

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

●Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ●2023-yil 24-mart, №12 (3023)



BIZ
HAQIMIZDA

IJTIMOIY-SIYOSIY, MAT'VIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

@vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi
youtube.com/c/uzarmiya

www.mv-vatanparvar.uz



629 Mirzo Ulug'bek
3



Zamin beshigini tebratar ko'klam,
Hayotbaxsh qo'shig'in kuylaydi bahor.
Navro'z tashrifiga intizor bu dam,
Borliq sepin yoygan kelinchak misol.
Sirlig-u sehrli faslimsan, Navro'z,
Dunyolarga bo'ylar faxrimsan, Navro'z!

Shodlikka yo'g'rilgan poyqadamingdan,
Asriy udumlarim qaytar ohorli.
Momolarim boshlar aytishuv, o'lan,
Sumalak qaynaydi mushk-anbarli.
O'zligim unutmas faslimsan, Navro'z,
Qadimdan asralgan aslinsan, Navro'z!


Keksalar e'zozda, duoda qo'llar,
Ezgu niyatlarg'a to'la har yurak.
Bir-birin qutlaydi do'st-u birodar,
Xayr-u saxovatga tayyor har bilak.
Mehr-u muruvvatli faslimsan, Navro'z,
Elim ulug'lagan qadrimsan, Navro'z!

Zulfiya YUNUSOVA



HAR KUNING NAVRO'Z BO'L SIN, JONAJON O'ZBEKİSTONIM!

INTERVİÜ DAGI?
PSIXOLOGLARGA
ISHONISH KERAKMI



MUQADDAS
TUPROQ QIYMATI

4-5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мұхтарам мәҳмонар!

Мана шу гўзал ва ҳаяжонли дамларда муazzam «Янги Ўзбекистон» боғида туриб, сиз, қадрдонларимни, кўпмиллатли бутун халқимизни улуғ айём – Наврўз байрами билан самимий табриклийман.

Бугун бепоён Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду ҳуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда.

Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю ёш жамики юртдошларимизни чин дилдан қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Шарқона янги йилимиз муборак бўлсин!

Наврўзи оламнинг қадами қутлуғ келсин!

Қадрли дўстлар!

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиланиш, меҳр ва оқибат байрами – Наврўз кириб келар экан, дала ва қирларимиз, боғ ва яйловларимиз кўклам ёмғирлари – обираҳматдан баҳраманд бўлиб, бўлғуси мўл ҳосил, қут ва баракадан дарак бермоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг табиат фарзанди эканини янада чуқур англаётган мана шундай мунавар айёмга эл-юртимиз билан соғ-омон етганимиз учун, аввало, Яратганимизга беҳад шукроналар айтамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни – инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона мәҳнат қилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ғояси – бу 36 миллионли катта халқимизнинг азму қарори, унинг ҳаёт мазмунидир. Бу олижаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриялари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносаби шароит яратиб бериш, оддий қилиб айтганда, халқимизни рози қилиш – мана, бизнинг бош мақсадимиз. Шу эзгу йўлда иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, соғлом турмуш тарзи ва спорт, она табиатни асрараш каби йўна-

лишларда бошлаган катта-катта дастурларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўътабар отаҳон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз.

Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона мәҳнат қилаётган ҳурматли ақа-уқаларимиз, азиз опа-сингилларимизга – бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз.

Шу қутлуғ айёмда сизларнинг ҳар бирингизга Ватан равнақи йўлида қилаётган муносаби ҳизматингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб, чин юракдан ташаккур билдираман.

Сиз, азизлар олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирда ҳам юксак сиёсий тафаккур ва маданиятингизни намоён этиб, эришган ютуқларимиз ва ислоҳотларимизни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиша ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Мана шу бетакрор лаҳзаларда кўкламнинг ҳар бир куни, ҳар бир соатини ғанимат билиб, даласига йўл олаётган миришкор дехқон ва фермерларимизга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Бугун катта орзу-умидлар билан сафларимизга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизни – Янги Ўзбекистон бунёдкорларини барчамиз самимий олқишилаб, уларга бахт ва омад тилаймиз.

Мен бир фикрни тақрор ва такрор айтишдан чарчамайман – ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли ва серғайрат ёшлиаримиз энг юксак марраларни эгаллашлари учун биз барча имконият ва шароитларни албатта яратиб берамиз.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимиз ишончини оқлаб, катта-катта ғалабаларга эришаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизғин беллашувларда мустаҳкам ирода ва маҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони, деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Айни пайтда улар Индонезияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлари хоккей бўйича ўн саккиз ёш тоифасида барча рақибларни ортда қолдириб, Осиё чемпиони бўлдилар. Мамлакатимиз спорт тарихида илк бор мана шундай катта зафар қозонган ёш хоккейчиларимизга ҳар қанча таҳсиллар айтсан, арзиди. Айниқса, иқтидорли ҳужумчимиз Жасурбек

Рустамхонов мусобақа давомида ўн тўртта гол уриб, чемпионатнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди.

Шунингдек, юртимиз ёш шахматчиларининг юксак интеллектуал салоҳияти дунё бўйлаб тилларда достон бўлмоқда, десак, асло муболага бўлмайди.

Яқинда Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда истеъододли шахматчи қизимиз Нилуфар Ёқуббоева 100 дан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашган мусобақада фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Мана шундай умидбах ютуқлари билан азму шижаотли фарзандларимиз юртимиз ёшлари қандай улкан ишларга қодир эканини яна бир бор яққол намоён этдилар.

Шу каби ғоят муҳим ютуқларга ёшларимиз илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаларида ҳам эришиб келмоқдалар.

Шу муносабат билан ёш чемпион ва совриндорларимизни, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналарини, барча спорт мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклийман.

Бу, ҳеч шубҳасиз, азamat ёшларимизнинг эл-юртимизга ҳақиқий Наврўз совғаси бўлди.

Янги Ўзбекистонга албатта мана шундай ғалабалар ярашади.

Янги Ўзбекистонга миллионлаб тенгдошларига ўрнак ва намуна бўладиган мана шундай ватанпарвар, қаҳрамон ёшлар керак.

Ўз даврида жаҳонни лол қолдирган буюк ажоддларимизнинг муносаби давомчилари бўлган бундай ёшларимиз билан халқимиз, Ватанимиз ҳақли равища фахрланади.

Катта раҳмат сизларга, азиз фарзандларим!

Ҳаёт йўлларингизда барчангизга доимо янги омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Мұхтарам ватандошлар!

Мир Алишер Навоий бобомизнинг олам аҳлига, биз – авлодларга қарата «**Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!**» деб айтган тилакларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка мухтоҷ кишиларни қўллаб-қувватлаш, беморларнинг дардига дармон бўлиш каби халқимизга хос савобли амалларни нафақат Наврўз айёмида, балки ҳар куни, виждан амри билан адо этишимиз лозим.

Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва ҳалқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саҳоват ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур.

Мен барчангизни, аввалимбор, раҳбар ва мутасаддиларни шу борада янада фаол ва самарали ҳаракат қилишга даъват этаман. Токи азалдан одамийлик диёри, деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги хосиятли Наврўз фасли юртимизга кўплаб қувончли воқеалар, кўшалоқ байрамларни бошлаб келмоқда.

Шу кунларда барчамиз яна бир қутлуғ ва фазилатли ой – мүқаддас Рамазони шариф арафасида турибиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини ана шу табаррук айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу илоҳий ойда қиладиган хайрли амалларимиз қабул бўлиб, эзгу ва пок ниятларимиз ижобат топишини тилайман.

Айни вактда мамлакатимизда эртага нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари куни билан ҳам барчангизни қутлайман.

Мустақиллик йилларида Наврўзи олам диёrimizдаги барча миллат ва элат вакилларини ягона ва аҳил оила этиб бирлаширадиган дўстлик ва нафосат байрамига айланганини биз юксак қадрлаймиз.

Бундай ноёб ва бебаҳо бойлигимизни ҳамиша кўз қорачигидай асраб-авайлаймиз.

Тинчлик ва бағрикенглик элчиси бўлган бу айём – 21 марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан Халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонлаб келинаётгани албатта барчамизни хурсанд қиласди.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат кўрсатиб, бугунги сайил-шодиёнамида иштирок этаётган хорижий давлатларнинг мұхтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини чин дилдан қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва ҳалқларига самимий салом ва эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азиз ва мұхтарам ватандошларим!

Барчангизни, бутун халқимизни Наврўз умумхалқ байрами билан яна бир бор табриклийман.

Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

(ЎзА)



ТУРОННИНГ БҮЮК ҲУКМДОРЛАРИДАН БИРИ

Мирзо Улуғбек хижрий 796 йили жумадул аввалнинг 19-куни, милодий 1394 йил 22 марта жанубий Озарбайжондаги Султони қалъасида Шохрух Мирзо хонадонида дунёга келади. Онаси малика Гавҳаршодбегим эди. Уни катта бобосининг исми билан Мухаммад Тарагай деб аташади. Бироқ Улуғбек номи билан машхур бўлади. Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли невараларидан бири эди. Ёшлигига ёк кўп ҳарбий юришларда бобосининг ёнида юрган. У момоси Сарой Мулк хоним тарбиясига топширилган.

Мирзо Улуғбек бобоси вафот этганда ўн бир ёшда эди. Орадан тўрт йил ўтиб, ўн беш ёшида Самарқанд таҳтини эгаллади, улкан мамлакатнинг подшосига айланди.

ТАРИХ ДУЧ КЕЛГАН ФАРОЙИБ ҲУКМДОР

Мирзо Улуғбек Мовароуннахр мамлакатини 40 йил (1409–1449) бошқарди. Кўшни давлатлар билан мамлакат ободлиги ва равнақи йўлида оқиона сиёсий алоқалар ўрнатди. Адолатли ҳукмдор сифатида ном қозонди.

Жангу жадалларда 1427 йилга қадар бирор марта мағлубиятга учрамайди. Фақат ўша йили Мирзо Улуғбек ва укаси Мирзо Жўкийнинг бирлашган йирик кўшини Сирдарёнинг кўйи қисмида, Сигноқ атрофида Олтин Ўрда хони чингизий Бароқхон томонидан тормор қилинади. Бунинг бош сабаби оз сонли душманни менсимаслик ва ниҳоятда сусткашлик бўлган. Шунга қарамай, яна узоқ вақт Мовароуннахр куч-қудратини саклаб турди. Чунки унинг ҳали сulton Шохруҳдек қудратли кўллаб-қувватловчи иттифоқчиси бор эди. XX аср ва бугунги давр тадқиқотчилари Мирзо Улуғбекнинг худди шу ҳарбий соҳадаги муваффақиятсизликларини танқид қилади. Айримлари бунга унинг илм-фанга берилиб кетганини сабаб қилиб кўрсатади. Аксинча, Мовароуннахрда илм-фаннынг юксак равнақ топиши ҳарбий соҳанинг заифлашувига заррача алоқаси йўқ эди. Унинг илдизини Темурийларнинг ҳокимият талашиб ўзаро жиққамушт бўлиши ва тўхтовсиз қонли урушлар олиб борганидан қидириш керак.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги мобайнида Бухоро (1417), Самарқанд (1420) ва Фиждувонда (1432–1433) мадрасалар қурдириди. Самарқанд, Шаҳрисабз ва мамлакатнинг бошқа жойларида бунёд этган масжид, карвонсарой, ҳамном, мақbara каби яна бир қанча иншоотлар рўйхати ҳамда

уларнинг тарихига тўхтадиган бўлсак, мақоламида бошқа бирор сўзга ўрин қолмайди. Айниқса, унинг Кўҳак тепалигида барпо қилган Расадхонаси ҳозирга қадар оламга машҳурдир. Изланишлар Мирзо Улуғбек барпо қилдирган, бироқ ҳалигача фанга мъалум бўлмаган яна айрим иншоотлар ҳам мавжудлигидан дарак бермоқда.

Унинг 40 йиллик ҳукмронлиги даврида Самарқандда дунё илм-фанинг энг олдинги сафига чиқиб олган ўзига хос илмлар Академияси шаклланди. Унда «замона Афлотуни» мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид ибн Масъуд Коший, мавлоно Муиниддин, Шамсиддин Мухаммад Ҳавофий, мавлоно Исомиддин, Алоуддин Али ибн Мухаммад Қушчи сингари даврининг кўплаб илғор олимлари самарали фаолият олиб борган.

ВОҚЕА ВА СУИҚАСД...

Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва бадиий асарлар ёзилган бўлса-да, бироқ унинг шахсияти ҳалигача мукаммал ифодасини топмаган. Бу борада тадқиқотчилар талқинлари турличадир. Шўролар даврида у ҳатто, ўрта асрларда динга қарши курашган атеист (динга қарши борувчи) қиёфасида кўрсатилди. Масалан, Бухоро шахри меъморий обидаларини ўрганган Л. Манковская: «Бухоро вилоятининг қоқ марказида янгича мадраса қуришга қарор беришини мана шунинг учун ҳам Улуғбекнинг зўр гражданлик мардлиги деб ҳисобласа бўлади. Улуғбек ўша мадрасанинг эшигига: «Илм фанга ҳавас кўйиш ҳар бир муслим ва муслимага (эркак ва аёл мусулмонга) фарзdir», деган мардона даъват сўзларини кўркмасдан биттириди», деб ёzádi. Академик Б. Аҳмедов эса: «Айниқса, реакцион руҳонийлар Улуғбекка қарши иш олиб бордилар. Ахир Улуғбекнинг «ilmga интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва мусулмон аёлнинг бурчидир» (бу сўзлар Улуғбек томонидан 1417 йили

Бухорода қурилган мадрасанинг пештоқига ёзилган эди), деган шиорининг ўзи уларнинг қаҳру ғазабини уйғотган эди. Ана шундай реакцион руҳонийларга Мовароуннахрда хожа Убайдулло Ахрор, Хурсонда шайхулислом Баҳоиддин Умар бошчиллик қилди», деб ёzádi. Биринчи муаллиф жумлаларида мумкамлilik балки таржимоннинг камчилигидир. Аммо гап бунда эмас, муаммо икки муаллифнинг ҳам Улуғбекнинг мадраса пештоқига ёздириганин гапини шарҳлашидадир. «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон ва муслимага фарзур» – бу пайғамбардан ривоят қилинган ҳадис, ислом динининг бош шиорларидан бири-ку! Мирзо Улуғбек бу ҳадиси шарифни мадрасаса пештоқига ёздириганида кимдан ва нима учун кўркиши керак эди? Бу талқинлар ҳудди тарихга суиқасдга ўхшайди...

XVII аср тарихчиси Шарафуддин Роқимиј Самарқандий Мирзо Улуғбек фазилатларини: «Айтишларича, Афлотун донишини, Фаридун шавкат билан бир жойга жамлаб, Нўширавон адолатини унинг адолати палласига қўйганда бир арпа донасича бўлур. Субҳони хотамликни унинг ҳиммати назари сахо ва эҳсон ҳисобида кўрмади. Қуръони мажид ва фурқони ҳамид унинг дили маҳфузида етти қироат бирла жо бажо ва мунаққаш бўлган», деб ажойиб таърифлайди.

ЭНГ ҚАДРЛИ МЕРОС

Мирзо Улуғбек ижодий меросидан фалакиёт илмига оид «Зики Улуғбек», «Тарихи арабъ улус» («Тўрт улус тарихи»), «Рисола фи истихраж жайб даража ваҳида» («Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола»), математикага доир «Рисолаи Улуғбек» каби асарлари сақланиб қолган. Улардан айримлари ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган. Улуғбек ўзидан бутун инсониятга қолдирган бебаҳо мерос, асл ҳазина мана шулар эди.

«Зики Улуғбек» асарига дастлаб Али Қушчи шарҳ ўзган эди. Қозизода ва Али Қушчининг невараси Мавлений Мирям Чалабий (в. 1525) форсийда «Дастур ал-амал ва тасхих ал-жадвал» («Амаллар дастури ва жадваллар тузилиши») номли кенгроқ шарҳ битади ва уни сulton Бойазидга ҳадя қилади.

ОШЁН

Унинг тақдирига ҳисобсиз улуғ ишларни амалга ошириш битилди, ...аммо қисмати аянчли якун топди. Мирзо Улуғбек хижрий 853 йили рамазон ойининг 8 ё 10-куни (1449 йил 25 ё 27 октябрь) Самарқанддан унча узоқ бўлмаган боғлардан бирида хоинона ўлдирилади. Ундан

тўрт ўғил ва бир қиз қолади. Бу унинг жисмоний оламдаги ошёни эди...

Мирзо Абдуллоҳ ибн Мирзо Улуғбек хижрий 823 йили ражаб ойининг бошларида (1420 йил 12 июль) Мирзо Улуғбек Жета юришидан ғалаба қозониб қайтиб келаётганда Самарқандда туғилади.

Мирзо Абдураҳмон ибн Мирзо Улуғбек 824 йили муҳаррам ойининг саккизинч куни (1421 йил 13 январь) Самарқандда Мирзо Улуғбек Бухоро томонларда овда юрган маҳали дунёга келади. У роса ўн бир ёшга тўлган вақти 1432 йили 15 январда вафот этади.

Мирзо Абдулазиз ибн Мирзо Улуғбек отасининг яхши кўрган ўғли бўлган. Акаси Мирзо Абдулатиф бўйруғи билан ўлдирилган.

* * *

Мирзо Абдулатиф ибн Мирзо Улуғбек тарихда отасини қатл эттириб, ёмонотлиқ билан дунёга танилган Темурий ҳукмдор.

* * *

Биби Робиа бинти Мирзо Улуғбек. Шайбонийхоннинг бобоси ўша машҳур Абул Хайрхон уни никоҳига олган эди. Мирзо Улуғбек фожиасидан кейин мамлакатда таҳталашиши авжига чиқади. Султон Абусаид Мирзо Мовароуннахр мамлакатини қўлга киритиш учун Абул Хайрхондан ёрдам сўрайди. Улар биргалиқда Самарқандга кетта лашкар билан келади ва хижрий 855 йили жумодул аввал ойининг йигирма иккичи куни (1451 йил 22 июнь) Шероз қишлоғи атрофида темурийзода Мирзо Султон Абдуллоҳ кўшини устидан ғалаба қозонади ва унинг ўзи жангда ўлдирилади. Абул Хайрхон иттифоқчиси олдидағи бурчани бажариб, келишилган мукофотларни олиб изига қайтиб кетади. Уларнинг орасида Биби Робиа ҳам бор эди. У Абул Хайрхондан икки нафар ўғил кўради. Улар Кучкунчихон ва Суюнчожаҳонлардир. Мирзо Улуғбекнинг қизидан давом этган набира авлодлари Тошкент ҳукмдорларида айланади. XVI асрда Суюнчожаҳоннинг ўғли Наврӯз Аҳмад Бароқхон «ҳазрати И мом» (ҳасти И мом) номи билан шуҳрат қозонган Қаффол Шоший мақбари ёнида ажойиб мадрасаси номи билан машҳурдир.

Биби Робиа вафот этгач, уни Туркистонда авлиёлар сultonни ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг муборак зиёратгоҳи ёнига дағн қилишади. Тепасига гумбазли мақбара курилган.

ЯҚИНЛАШУВНИНГ БИРГИНА ЙÜЛИ

Туроннинг буюк ҳукмдори Мирзо Улуғбек ҳаётида мазмунсиз кунни топиб бўлмайди. Унинг кечмишини ўрганганинг сайин тенгсиз қалб соҳиби, аянчли фожиа қурбони, аччиқ ибрат, даҳо аллома, ҳақиқий жангчи... каби яна кўплаб сифат ва ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган, одамлар орасида нигоҳи фалакнинг қаърига энг чуқур кириб борган Инсоннинг қиёфаси ёрқинроқ кўрина бошлади. Бироқ унга яқинлашишнинг иложи йўқ. Бу ишни амалга ошириш учун унинг ҳаётига боғланиб турган сонсаноқсиз тарихий воқеаларни оралаб ўтиш, уларни қоғозга туширишга тўғри келади.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзР ФА Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик
институти катта
илмий ходими

ОЁКЛАРИ ЛОЙГА ҚОРИШИБ,
ТҮСИҚЛАР ОША ЮГУРАЁТГАН,
ПИЧОҚ БИЛАН НИШОННИ
МУЛЖАЛГА ОЛАЁТГАН,
ЁН-АТРОФНИ ШАРТЛИ
МИНАЛАРДАН ТОЗАЛАЁТГАН,
ЖАНГОВАР ҚУРОЛЛАРДАН
МОҲИРОНА ФОЙДАЛАНАЁТГАН,
ҚЎЛ ЖАНГИ БЎЙИЧА
ЧИҚИШЛАР ҚИЛАЁТГАН
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ
ҲАРАКАТЛАРИНИ КУЗАТИБ,
БАҲРИДИЛИМИЗ ОЧИЛДИ.
БИЛАСИЗМИ, ВАТАН
ХИМОЯЧИЛАРИНИНГ ҚАДРИ
НЕГА БУ ҚАДАР ЙОКСАК?!



МУҚАДДАС



Чунки улар ис-
сигу совукда, ёмғири
қорда, еру самода она
юртни бетама мухофа-
за қиласди. Ота-онанинг,
фарзанднинг, виждан-
нинг, ор-номуснинг баҳоси
бўлмаганидек, киндик қони-
миз тўкилган муқаддас туп-
роқнинг ҳам қийматини ўлчаш
мумкин эмас. Заминимизнинг
осойишталиги учун камарбаста
бўлган, Тошкент ҳарбий округи
худудидаги ҳарбий қисмлардан би-
рида ҳарбий хизматни ўтаётган саф-
дошларимизнинг Чирчиқ полигонидаги
машғулотларини кузатиб, бизни ана
шундай мулоҳазалар чулғаб олди.

Қиши забтини йўқотиб, кўкламга ўз ўрни-
ни бўшатиб берадётган маҳалга тўғри келган
машғулотлар иштирокчиларга тажриба, билим
ва кўникумларини яна бир бор синовдан ўт-
казиш имкониятини бериш баробарида уларни
жисмонан тоблади.

– Эгалланган кўникум қўйилган топшириқни
муваффақиятли бажаришда мухим ўрин тутади. Шу
сабаб ҳам Ватан посбонлари ўқувларда фаол. Ҳарбий
хизматчи ҳар қандай ҳолатда ҳам қўйилган вазифа-
ни қисқа вақтда бажариш имконига эга бўлиши учун
мунтазам тарзда машғулотлар олиб борилади. Натижа
ҳам шунга яраша, кутилганидек бўлмоқда. Ўтказилаётган
ўқувларда юрт ўғлонлари тобланяпти, маҳорати ҳам, мато-
нати ҳам, тажрибаси ҳам ортмоқда, – дейди подполковник
Обид Сулаймонов.

Машғулотлар давомида ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама
синовдан ўтказилди. Уларнинг қурол билан «муомала» қилиш




Mualif suratiga olib





ТУПРОК КИЙМАТИ



санъати кўпчиликнинг эътиборини тортди. Тез ва чаққон ҳаракатланган Ватан ҳимоячилари қурол-аслаҳаларни белгиланган вақтда (айримлар ундан ҳам илгари) сочиш ва йиғиш топширигини бажарди. Ушбу кўниумманинг оширилиши ҳарбий хизматчиларнинг ҳар қандай шароитда душманга муносиб зарбани ўз вақтида бера олишга ўргатади. Шу билан биргаликда уларнинг ўзларига бўлган ишончини оширади.

Белгиланган нишонларни йўқ қилиш учун фақатгина қуролдан отишни билишнинг ўзи камлик қиласиди. Бунда ташки омилни, шамол эсиши, намлик даражасини, нишонгача бўлган масофа... хул-

лас, барча-барчасини инобатга олиб, тўғри ҳисоб-китоб қилинсагина топшириқ кутилганидек адо этлади. Йигитлар ана шу жиҳатларга эътибор қаратди. Бунда уларга ўқ-дори сарфламасдан тўғри нишонга олиш машғулотлари асқатди.

МАХСУС ТЎСИҚЛАР ЙЎЛАГИ...

Бу ҳарбийларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашда, жамоавий ишлаш кўниуммасини юксалтиришда, асосийси, чаққонлик, тезкорлик, чидамлилик, ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила оладиган профессионал ҳарбий кадр бўлиб шаклланишида мухим ўрин тутади. Ана шунинг учун ҳам йигитлар билан мураккаб, сунъий ва табиий тўсиқлардан иборат, кутилмаган синовларни ўзида мужассам этган мазкур тўсиқлар йўлагидан ўтиш вазифалари бажарилади.

Шартли душманни қуршовга олиш ва талафотларсиз яксон қилиш иштирокчилардан билим ва маҳоратдан ташқари етарлича тажриба ҳам талаб қиласиди. Жипсликда ҳаракат қилган машғулот иштирокчилари ушбу амалий вазифани муваффақиятли адо этди. Жанговар техникалар ёрдамида бир гурӯҳ ғараз нияти кучлар талафотларсиз бартараф этилди.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

АВВАЛ – ИСОН

Мазкур руҳн остида муштарийларга референдум қонунчилиги ва амалиёти бўйича туркум мақолалар бериб бориш назарда тутилган. Бу орқали референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузиш тартиби ва улар фаолиятининг асосий жиҳатлари, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан ишлаш, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш, референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолияти, референдум участкасида овозларни санаб чиқиш ва натижаларни белгилаш, референдум ўтказувчи участка комиссиясининг оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар билан ҳамкорлиги ҳақида маълумот ва тушунчаларга эга бўлишингиз мумкин.

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида **14 та референдум округи тузилади**.

Барча округлар миёсида берилган овозлар натижасида Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари эълон қилинади.

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Марказий сайлов комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилингандан кейин, кечи билан беш кун ичиде референдум округларини тузиш ҳақида қарор қабул қиласди. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу қарорида қўйидагилар тасдиқланади:

референдум округларининг рўйхати;
округларнинг чегаралари;
референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони;
округ комиссиялари жойлашадиган биноларнинг манзили.

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш

тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз-ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин, етти кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ:

округ ҳудудида «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонун ижроси устидан назоратни амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини тъминлайди;

референдум ўтказувчи участкаларни тузади ва участка комиссиялари аъзоларини тасдиқлади;

пул маблағларини референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, референдум

ўтказувчи участка комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди;

участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлайди, тегишли округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ, МУДДАТЛАРИ ВА КОМИССИЯ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Референдум участкалари туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан, референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда референдум участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан, округ комиссиялари томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум участкалари ана шу муддатда, айrim ҳолларда эса истисно тариқасида референдум ўтказишга камида беш кун қолганда тузилади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

Участка комиссияси округ комиссияси томонидан референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин, йигирма беш кундан кечикмай 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

Участка комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши ҳам мумкин.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

аъзоликка номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарish органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилади;

бу номзодлар ҳалқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли референдум ўтказувчи округ комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади;

округ комиссияси участка комиссияси аъзоларини тасдиқлади ва эълон қиласди.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Йигирма бир ёшга тўлган, ўтра ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-этибор қозонган фуқаролар участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Қўйидагилар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сиёсий партияларнинг аъзолари; вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари;

прокуратура органларининг мансабдор шахслари; судларнинг мансабдор шахслари; фуқароларнинг ташаббускор гурӯҳи таркибига киравчии аъзолари.

Участка комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпли битта ташкилотдан бўлиши мумкин эмас.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) ва Сайловчиликларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир участка комиссияси таркибида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўникмага эга бўлган камида икки нафар шахс (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва
мафкуравий ишлар бош бошқармаси**

IJTIMOY HAYOT

– ФУҚАРОЛАРНИНГ УМУМХАЛҚ ОВОЗ БЕРИШИДИР

Конституциявий ислоҳотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади ҳамда Бош қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислоҳотлар мантиғига мослаштиради.

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунга кўра, «Референдум Ўзбекистон қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир», деб белгилаб қўйилган.

Конституциянинг янги таҳрири ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам ҳалқпарвар давлатчилик

асосларини яратиши, аҳоли фаронвонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада юксалтириши ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлади ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради.

Янги таҳрирга асосан, Ўзбекистон Конституциясидаги моддалар сони ҳозирги **128 тадан 155 тага**, ундағи нормалар эса **275 тадан 434 тага** ошириляти. **128 та** модданинг **91 тасига** концептуал ўзгаришлар киритилмоқда. Умуман олганда, Конституция **65 фоизга** ўзгартириляти.

Ўзгаришлар қаторидан Президентлик муддатини **5 йилдан 7 йилга** узайтириш, сенаторлар сонини **100 нафардан 65 нафарга** тушириш, Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб эълон қилиш, маҳаллий

кенгашлар ва ҳокимларнинг ваколатларини бир-биридан ажратиш кабилар ўрин олган.

Бевосита демократиянинг муҳим воситаси ҳисобланган референдум умумхалқ овоз бериши ўйли билан қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шаклидир. Унинг сайловдан асосий фарқи – референдум ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала – қонун, қонун лойиҳаси, Конституция, Конституцияга тузатишлар, мамлакат ҳалқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатига оид бирор-бир савол қўйилади.

**Подполковник
Ф. ХУДОЙНАЗАРОВ**

РЕФЕРЕНДУМДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ватанпарварлик – Ватанга муҳаббат ва садоқат, у йўлда бутун умрини ва салоҳиятини бахшида этиш, керак бўлса, ўз жонини фидо қилиш демак.

Ватанпарварлик барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан инсонларнинг ўз Ватани тақдири билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган худуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамdir.

Бу Ватаннинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланишда, келажаги учун қайғуриш ҳамда дахлдорликда, манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Конституциявий ватанпарварлик эса ватанпарварликнинг ўзига хос туридир. Зотан, «конституциявий ватанпарварлик» ибораси мазмун-моҳиятига кўра, демократик Конституциянинг нормалари, қадриятлари ва тартиб-қоидаларига асосланиши керак. Сиёсатшунос Штернбергер фикрига кўра, давлат қочонки ўз фуқароларининг Конституцияда кафолатланган эркинликларини ҳамда мамлакат сиёсий ҳётида иштирок этишга доир ҳуқуқларини ҳурмат қилса ва амалда таъминласагина, ҳимояни одалар жамоаси сифатида тириkdir. Нафақат умумий тарихий ўтмиш туфайли, балки шу ҳолатда ҳам ўзига хослик ҳисси ривожланиб боради. Европа анъаналарига кўра, ватанпарварлик ҳар доим давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган. Шу тариқа олим XX асрнинг 70 йилларида жамоатчилик эътиборини ушбу атамага жалб қилиш билан Германия Федератив Республикасида Асосий

қонуннинг юксалиб бораётган аҳамиятини акс эттирган.

Бугунги кунда Германияда Асосий қонун жуда оммалашган. Жумладан, респондентларнинг 88 фоизи Асосий қонунни яхши (58 фоизи) ёки жуда яхши (30 фоизи) деб қайд этган. Бу фикрга аҳолининг деярли барча қатламлари қўшилган. Аксарият кишилар учун Асосий қонун, энг аввало, инсон қадр-қимматини, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўнгра тенглик ва тенг ҳуқуқлилик, умумий фаолият эркинлиги, матбуот ва сўз эркинлиги демактир. Шундай қилиб, конституциявий ватанпарварлик Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига ва эркинликларига, умуминсоний қадриятларга асосланади ҳамда муайян давлатдаги инсонларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирадиган фалса-фий-ҳуқуқий тушунчадир.

Эътироф этиш ўринники, Янги Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳар бир инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, фаровонлиги ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қиласидиган, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш, очик, адолатли ва баркамол фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, демократияғояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби

олий қадриятларга ўз содиқлигини ифода этишдан иборатdir.

Конституция қачон халқчил бўлади? Қачон ҳар бир фуқаро моддама-модда ўқиб-ўрганиб, ёнида олиб юрадиган мухим қўлланмага айланади? Қачонки, эл қалбига йўл топа олса, ҳар бир фуқаро ўз баҳтини, тақдирини у билан бевосита боғлиқ ҳолда ҳис қилса. Халқ муаллифлигига яратилган янги Конституциямиз истиқболимизни, мамлакатимиз тараққиётини юксалтирадиган ҳуқуқий ҳужжатга айланishiдан ҳар биримиз манфаатдормиз. Шунинг учун ҳам конституциявий ватанпарварлик халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўлган чексиз ҳурмати, эътиқоди ва садоқати конституциявий ислоҳотлар жараёнининг қўйидаги босқичларида яққол намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида айтишини истардими, халқимиз эътиборига тақдим этилган қонун ҳақли маънода ота-боболаримиз, ҳаёти сарсону саргардонликда кечган аждодларимиз, умри ва шаъни узоқ йиллар камситилган халқимизнинг асрий орзузи сифатида дунёга келди, десам янглишмаган бўламан. Зотан, мазкур конституциявий ислоҳотлар замирида, аввало, юртдошларимизга муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўлим жазосини тақиқлаш, хусусий мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қийноққа солишларнинг олдини олиш, суд қарорисиз мажбурий ушлаб туришга барҳам бериш, тазииклар, таҳқиqlарга чек

қўйиш, тадбиркорлик йўлида ғов бўладиган ҳар қандай иллатлар билан муроса қилмаслик каби ўнлаб инсонпарвар мақсадлар мужассамлашгани бу ислоҳотлар, аввало, инсон учун, халқимиз тараққиётни учун хизмат қилишини яққол намойиш этади.

Шу азиз Ватаннинг ёш фарзанди сифатида халқимизни, айниқса, ёшларимизни мамлакатимиз Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича ўтказиладиган референдумда фаол иштирок этишга ҳамда янгиланаётган Бош қонунимизни кўллаб-қувватлаб овоз беришга ҷақираман. Ҳеч қачон унутмайлик, ана шу муҳим сиёсий тадбирдаги фаол иштирокимиз билан барчамиз Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаш, халқимиз, фарзанд ва набираларимиз учун янада тинч, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўлмази.

Бошка давлат фуқаролари сингари бизда ҳам «Конституциявий ватанпарварлик» бўлмоғи керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу «Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқdir», деган тамойилга тўла мос келади. Шундай ҳар бир ватандошимиз «Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям!», деб юксак фурур билан айта олади...

**Сайдакмал МАМАСОЛИЕВ,
«Юксалиш» умумиллий
ҳаракатининг аъзоси,
ТДЮУ қошидаги
академик лицейнинг
1-босқич ўқувчиси**

NUQTAYI NAZAR

Икки-учта аёлни йигиб, ҳаётий тажрибага эга бўлмаса-да, қайнона ва келин муносабатларига доир мавзуларда тренинг ўтишга уринаётган, сўнгра бу жараённи реклама тариқасида интернетга жойлаётган «қалбшунослар» ҳар қандай фойдаланувчининг эътиборини тортмасдан қолмайди. Аслида тайинли малака ёки илмий даражага эга бўлмаган жисмоний шахсга психологияк хизмат кўрсатиш учун имкон яратиш (руҳсат бериш) нинг ўзи катта хато!

ИНТЕРНЕТДАГИ ПСИХОЛОГЛАРГА ИШОНИШ КЕРАКМИ

Тайёр ўлжага айланаштаган ёш хотин-қизларнинг айнан пуллик курсларга қатнашганидан сўнг, турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар рўй берадиганига дикқат қилинг. Назаримда, видео лавҳалардаги ўтмишини нафрат билан ёдга олаётган аёллар атайин бир шахс томонидан ёлланганга ўхшайди.

Хўш, аксарият фуқароларимизнинг ҳаётини остин-устин қилиб юборишдек мисли қўрилмаган куч-кудратга эга «психолог»ларнинг номига ёғдирилаётган мақтолар – уларнинг мижозларини кўпайтириш учун айтил-яптими ёки буни реал воқеаликнинг мавзу қаҳрамони тимсолидаги ифодаси дея қабул қилишимиз керакми?

Жамиятимизда шундай «бўлолмаган» актёрлар борки, улар камера қаршисида жабрдийда қиёфасини гавдалантиришга жону жаҳди билан ҳаракат қилишади. Бор маҳоратини ишга солишади. Натижада пиар роликнинг навбатдаги иштирокчиши ҳақиқий «мижоз» эканлигига ҳеч кимда шубҳа уйғонмайди. Ўзидан қаҳрамон ясаб олиб, воқеа-ҳодисаларни бошидан кечиргандек таасусрот қолдириувчи бу инсонлар, ижро этган образини ижтимоий тармоқларга тарқатиш орқали янги-янги «халфа»ларни ўз атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилишади. Бунинг уддасидан чиқишади ҳам. Ўз соҳасини бизнесга айлантириб олган «психолог»ларнинг қилаётган иши профессионал мутахassisлар шавнинг доғ туширишдан бошқаси эмас!

Савол туғилади: замонавий касб тусиға кирган соҳадан нонини ҳалоллаб топаётганлар ҳам борми? – Бўлмасамчи, сифатли маҳсулот рекламасиз ҳам ўз харидорларига эга бўлиши айни ҳақиқат. Тилла сув ту-

биди ётади, юзада эса бир пуфлашга ярамайдиган кўпиклар қалқиб юради, дейишганидек бундай инсонлар ха deganda кўриниш беравермайди. Ҳаёт синовларининг синоатидан, ҳайбатидан чўчимаган, ўз карьерасига эга инсонлар ушбу фаолият тури билан шуғулланишга ҳақли ва уларнинг аксари мазкур йўналишида фаолият олиб боришаётгани қувонарли ҳолат.

Гапимиз қуруқ бўлмасин, хориж мамлакатларида психологияларни лицензиялаш 35 ўшдан ошган тажрибали, намунали кундалик турмуш тарзини йўлга қўйган инсонлар ўртасида амалга оширилади. Ушбу тартиб бизда ҳам жорий этилса, мақсадга мувоғиқ бўлар эди. Ҳозиргилик чаласавод руҳшунослар учриб кетишига, интернет фирибгарлар маконига айланшига бироз бўлса-да чек қўйилган бўларди. Акс ҳолда, ёш қизларимиз «мутахassis»ларнинг маслаҳати сабаб, баҳтили оиласидан мосуво бўлиб қолишмасин.

Соҳтакорликка ружу қўйғанлар қилаётган ишининг умри қисқалиги-

ни билишмайди. Омади бугун келар. Аммо эрта-индин қилмишлари ортидан аттанд қилиб қолишлари мумкин.

Маънавий жиҳатдан эҳтиёжинизни қондирмоқчимисиз?

Тушкунликдан чиқиб кетиш усулларини ўрганишни истаяпсизми?

Маслаҳатим китоб ўқинг ёхуд олий тоифали психолог ҳузурига боришга хеч ийманиб ўтиргманг.

Икrorim шуки, ҳар қандай вазиятда ўз касбининг усталаридан қўймасин экан. Нима дедингиз?

Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ

ТААСУРОТЛАРГА БОЙ КУН

Нукус шахридаги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейда Нукус ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди.



Ёш авлодни ватанпарварлик рухи-да тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат түйғусини камол

топтириш, миллий армиямиз билан фахрланиш, унга бўлган ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш, шунингдек,

ва уларнинг самараси, халқ ва армия яқдилигини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ишларга тўхтадилар. Она

Устоз... ҳаёт тушунчаси пайдо бўлганидан бўён яшаб келаётган сиймо. Шу боис азал-азалдан устоз-мураббийларга бўлган ишонч, хурмат-иззат ўзгача. Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Инсон билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Устоз – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсон. Бутун кучларини, ақл-идроқларини, билим ва зеҳнларини, қалб қўрию меҳрларини шогирдларига баҳшида этган заҳмат-кашлардир. Улар бизларга оқ-қорани, яхши-ёмонни танитиб, қўлларимизга илк бор қалам тутқазиб, «ота-она», «Ватан», «эзгулик», «иймон», «ислом» каби сўзларни ёзиша ўргатган буюк ва азиз зотдир.

Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир», – деган. Демак, устозларнинг зиммасида жуда ҳам буюк масъулиятли вазифа юкландган. Бу ҳам бўлса, келажаги буюк давлат учун комил, ҳар томонлама етук ва баркамол, маънан ҳамда ахлоқан пок, ватанпарвар ва инсонпарвар инсонларни тарбиялаш вазифаси.

Устозларни ҳурмат-эҳтиром қилиш азал-азалдан бизларга мерос бўлиб келган тушунчадир. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсан, бунга ёрқин мисоллар жуда қўплигининг шоҳиди бўламиз. Ҳатто Искандар Зулқарнайн, Амир Темур сингари буюк салтанатга эга бўлган подшоҳлар ҳам устоз ҳурмати, ҳизматига катта эътибор берганларини кўришимиз мумкин.

Барчамизга маълум ва машҳур олим, «Хидоя» асари муаллифи, ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний шундай ҳикоя қўладилар: «Бир куни Бухоронинг олимларидан бири илм даргоҳида шогирдларига дарс бериб ўтирад экан, дарс асносида гоҳ-гоҳ ўрниларидан туриб, сўнг яна қайта ўтиради. Бу ҳол бир бор қайтаришгандан сўнг,

шогирдлари бунинг сабабини сўраши. У зот: «Устозимнинг кичик ёшли ўғли болалар билан кўчада ўйнаб юрибди, гоҳида эшик олдига келяпти, ҳар келганида устозимга ҳурмат ўлароқ ўрнимдан туряпман», – деб жавоб берганлар.

Минг афсуски, ҳозирги кунимизда айрим талабалар илм даргоҳини битириб чиқиб, бирор мансабга эришгандан сўнг, ўзиға бир неча йиллар давомида кўз нурини сарфлаб илм берган устозларини писанд қилмай қўяди. Ёддан чиқармаслигимиз лозимки, биз гўзал маданият ва юксак маънавиятли халқ фарзандларимиз, ўзимизнинг неча асрлардан бўён шакланиб келган урф-одатлар, аньана ва қадриятларимиз мавжуд. Биз ҳеч қандай мазмун-моҳиятга эга бўлмаган, заرارдан бошқа нарса келтирмайдиган, таъбир жоиз бўлса, «усти ятироқ, ичи қалтироқ» маданиятларга эргашибга муҳтоҷ эмасмиз. Балки «коммавий маданият» кўринишларидан сақланишимиз даркор.

Азиз халқимизнинг бир нақлида: «Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, буғдой эк, юз йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, таълим-тарбия бер», дейилган. Шу боис қадимдан кишилар ўз зурриётларини устоз кўлига топширас эканлар, «этси сизники, суги бизники», деб ишонч билдиришган. Оламнинг гултоғиси инсон бўлса, улар орасида суюклиси устоз-муаллимидир.

**Подполковник
Ҳамдам ШАМУРАТОВ,
Мудофаа вазирлиги
ёшлар билан ишлаш бўлими
катта офицери**

ҳарбий касб нуфузини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди судьяси Умид Шокиров, Нукус ҳарбий прокурори адлия полковники Шуҳрат Зоиров ҳамда фахрийлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Қуролли Кучларда шу кунгача амалга оширилган устувор ислоҳотлар

Ватан ҳимояси, халқимиз фаровон турмушкини таъминлаш, юртимиз тинчлигини асралавайлаш шу юртда улғаяётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурни эканини ҳаётий мисоллар орқали тушунтиришиди.

Учрашув очик мулоқотга уланиб кетди. Мулоқот чоғида кўп йилдан бери суд-хукуқ тизимида ҳамда мудофаа соҳасида фаолият юритган инсонларнинг бой тажрибаси ҳамда босиб ўтилган ҳаёт йўли ҳақидаги қимматли маълумотлари ўсиб келаётган ёш авлод вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида таълим-тарбия жараёнида юқори натижаларга эришаётган иқтидорли ўқувчилар Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан фахрий ёрлик ва бадиий адабиётлар билан тақдирланди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

✓ MULOHAZA

МИННАТДОРЛИК ТҮЙҒУСИ

✓ SARHISOB

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР,



ТАҲЛИЛЛАР, РЕЖАЛАР

Мамлакатимизда инсон қадри, ижтимоий ҳимояси, қилган меҳнатига муносаб тақдирланиши назоратда туради. Бу борада Республикаизда кенг миқёсда фаолият юритаётган касаба уюшма қўмиталарининг хизматини эътироф этиш жоиз. Уларни том маънода ишчи-хизматчиларнинг таянчи десак арзиди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида бўлиб ўтган тадбир Мудофаа вазирлиги Бирлашган касаба уюшма қўмитасининг йил давомида амалга оширган фаолиятига бағишиланди.

Дастлаб сўз олган Мудофаа вазирлиги Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Кличев вазирлик тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма ўртасида 2021–2023 йиллар учун тузилган тармок келишувининг Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилган ишларга ва навбатдаги режаларга тўхталиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Мудофаа вазирлиги Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимларнинг саломатлигига эътибор қаратиш, дам олиш сиҳатоҳларига йўлланмалар бериш ҳамда уларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олишлари учун шароит яратиш, байрамларда совға-саломлар улашиш, юбилей санасини нишонлаётганларни мукофотлаш, фахрийлар билан ишлаш, улар билан мунтазам равишда тадбирлар уюштириш, ғамхўрлик кўрсатиш, маъ-

навий таянч бўлиш ва моддий ёрдам кўрсатиш, тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳларга, табиат бағрига саёҳатлар уюштириш каби бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Мудофаа вазирлиги Кадрлар бошқармаси бўйлим бошлиғи подполковник Жобирхон Исоқов, Ўзбекистон давлат муассасалари жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Нилуфар Комилова ҳамда Тошкент шаҳри кенгашининг ташкилий ишлар бўйими мудири Сардорбек Мулабоевнинг маърузалари ҳам йиғилиш иштирокчилари томонидан эътибор билан тингланди.

Албатта, иш бор жойда ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам бўлади. Навбатдаги режаларни амалга ошириш, муаммоларни ҳал этиш борасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Энг асосийси, тадбир ишchan ва кўтаринки руҳда амалга оширилди.

Зулфия ЮНУСОВА



Янгиланиш фасли – баҳор нафаси юртимиз бўйлаб ўз тароватини кўз-кўз қилмоқда. Гўёки борлиқ яшиллик, дараҳтларнинг фусункор гуллари билан безатилгандек.

Ён-атрофимизнинг яшил ва гўзал тус олишида инсон омилиниң ўрни жуда

Одатда баҳорда кўчат экиб, ерга уруғ қадаб мўл-кўл ҳосилга замин яратилади. Кўклам фаслида умумхалқ ҳашари ёрдамида яшаб турган гўшамизни ободонластириш халқимизнинг эзгу ишларидан бири. Бу ишда Мудофаа вазирлиги

харбий хизматчилари ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётганлиги сир эмас. Харбий хизматчилар, фахрийлар ва ёшлар иштирокидаги ҳашар, кўчат экиш, миллий қадриятларимизни ифодаловчи тадбирлар ҳам бунга мисол бўлади.

Тошкент вилоятининг

Нурафшон, Янгийўл, Чирчик шаҳарлари, Бўстонлиқ тумани ва «Қизил тоғ» ҳудудида манзарали ва мевали кўчатлар ўтқазилиб, гуллар экилди. Маҳалла ва кўчаларда ободонластириш ишлари олиб борилди.

– Бугунги умумхалқ ҳашарида З минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатни шаҳримизнинг турли гўшаларига ўтқазиш ишлари бошланди. Ҳар бир хонадон ҳов-

лисига камида биттадан мевали кўчатларни ўтқазиша амалий кўмак беряпмиз, – дейди Янгийўл шаҳри ҳокими Фарҳод Мирзаев.

– Шаҳримиз аҳолиси билан камарбаста бўлиб, ушбу ҳашарда иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларга миннатдорлик билдираман. Улар юрт тинчлигини асраш билан бир қаторда, халқнинг оғирини енгиллатиш ишларида доим илфор. Бундай жараёнларни қузата туриб, ҳалқ ва армиянинг бир тану бир жонлигига яна бир бора амин бўлмоқдамиз.

Шунингдек, Бўстонлиқ тумани тоғ этаклари жойлашган ўрмон хўжалиги ҳудуди ҳам ҳарбий хизматчилар томонидан ободонластирилди, ёш ниҳоллар экилди. Наврўз сайли дастури асосида амалга оширилган эзгу ишда фоол қатнашган ҳарбий хизматчилар варрак учирish, гул базми, лапар айтиш, бахшичилик каби миллий урф-одатларимиз намуналарини кўрсатиб бериши.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»**



ҮЛАНЛАРГА ЙҮГРИЛГАН НАВО

Боланинг назарида табиат ўзгаша түсга киргандек туюлди. Майин шабада юзини силади. У қүёшни майсалар билан қопланган қирларни завқ билан кузатди. Ҳар йили дараҳтларнинг барғ ёзишини кузатишга уринади-ю, улгуромлайди. Кечагина манави теракларнинг шохлари шип-шийдам эди, дарров япроқчалар пайдо бўлибди. Достон нонушта қилиб бўлгач, «куракча» ясашга ёғоч қидира кетди. У ёғоч қошиқ тайёрлашдан завқ оларди. Шу боис ҳар йили Наврӯз арафасида ўтказиладиган дарвешона (халқ маросими) кунида ҳаммага ёғоч қошиқ - куракчалар ясад беради.

Ўтган йили Достон ўқийдиган мактабнинг ўқувчилари меҳнат дарсида қошиқча ясад олиб чиқишган, кексалардан роса дуолар олганди. Ёшлигига сайліга айланадиган қадимий анъанани унчалик ёқтириласди, нима учун халқ йиғилиб таом пиширади, нега айнан ёғоч қошиқ билан ейиш керагу ўша жойда қолдириш шарт, каби саволлар уни қийноқча соларди. Улғайганидан сўнг бунинг сабабини англаб етди, билмаганларни бувисидан сўраб ўрганди.

Азалдан тантаналар билан нишонланадиган Наврӯз айёмини қишлоқлар «қозонлар тўладиган кун» - дея зўр қувонч билан кутиб олишарди. Чунки кўкламнинг келиши, қозонлар тўлиши бу - мўл хосил тимсоли, қут-барака белгиси. Кўкламнинг ҳузурбахш кунларига етган кишилар дошқонлар атрофифида «мўл-кўлчиликка чиқдик» - дея шукронга қиласидар. Наврӯз айёми арафасида тантаналар билан юртимизнинг турли худудларидағи қишлоқларда ўтказиладиган дарвешонадаги ёғочдан қошиқлар ясад олиш

(қадимда ҳозирдаги тайёр қошиқлар бўлмаганлиги сабабли) анъанаси ҳозиргача давом этмоқда...

Зумрад хола тугунини қўлтиқлаганича набираларини эргаштириб, булоқбошига йўл олди. Новқат зиёратгоҳига яқинлашаркан, вужудида билинар-билинмас титроқ пайдо бўлгандек туюлди, узок болалик йиллари кўз олдидаги жонлана бошлади. Бироқ кўп ўтмай олис хотираларга бошлаётган хаёлларини қорининг тиловати тўзғитиб юборди. Хола нағасини ростлади, марҳумларни ёдга олиб, юзига фотиха тортар экан яна хаёлга берилди:

Урф-одатларимиз қанчалар яхши. Шу удумларимиз туфайли қадриятларимиз сакланиб келмоқда, тилдан тилга, ёшдан ёшга, қалбдан қалбга ўтаётир. Шу пайтгача бу тупроқдан не-не буюклар от суриб ўтмаган, азиз авлиёлар яшамаган. Айтишларича, Амир Темур қўшинлари билан шу сўлим масканин бир қанча муддат қарорроҳ қилган экан. Қишлоқнинг Новқат деб аталиши Новқатбегим (Амир Темурнинг канизаги) номига бир ишорадир, деган гаплар ҳам қулоқча чалиниши шундан бўлса керак.

Одатга кўра, дарвешона таомини идишларга сузишдан олдин қозон бошига энг ёши улуғ киши таклиф этилади. Ҳозирги кунда қишлоқнинг энг кексаси, шубҳасиз, Зумрад хола. Хола даврага чиқишдан олдин айтадиган тилакларни хаёлан тақрорлади. Йиғилганлар кўз ўнгидаги халқ таомидан жимжилок учидаги татиб кўргач, эл-юртни дуо қилди. Таомлар тортилгач эса дастлабки Наврӯз лапари холанинг тилида жаранглади:

Омонлик, ҳеъ, омонлик, етдик Наврӯзга,
Унумилсин ёмонлик, қут бер ризқ-рўзга.
Юртга тинчлик сўрайман, оламга чирой,
Шу айёми қутлай, деб ундиридим буғдои.
Замонга минг шукрим, етдик Наврӯзга,
Майса ўсибди дуркун, сурай мен кўзга.

Кейин Хадича момо ўртага чиқди:

Бирён катта кураш, бирён кўлпари,
Аския, айтишув, үлланлар бари,
Янгаларнинг айтган авжли ёр-ёри,
Севинч башишлайди кексаю ёшга,
Наврӯзжон, бу йилги келишинг бошқа.

Булоқ ҳовузига «куракча» отиш ёшлар ўртасида мусобақага айланиб кетади. Кузатсангиз, қизиқ-қизиқ ҳолатларнинг шоҳиди бўласиз. Мана, улардан бири кўзини юмид, қошиқласини улоқтирган ёшгина болакай ниятларини пичирлаб тақрорлади ва ҳовуздан узоқлашди. Достон кураш тушиши, хўрор зуришидан кўра қошиқ улоқтиришга қизиқади. Отишга отади-ю, дутор шаклидаги қошиқласидан кўнгил узолмай кўздан йўқолгунча термилиб қолади.

У бу сафар ҳам ҳалқ сайли – дарвешонадан бир олам таассурот билан қайтди. Бу завқ-шавқни хотира дафтарига туширмаса асло иложи йўқ эди. Энг аввал Наврӯз кунидаги урф-одатларни бирма-бир қайд килишга кириша кетди: «Наврӯз куни чақалоқ дунёга келса, исмини Наврӯз қўйиншади. Орадан гап қочган одамларни ёши улуғлар Наврӯз куни ярастиради. Наврӯз байрамидан икки-уч кун олдин ҳовлилар, кўчалар ва муқаддас қадамжолар яна бур сидра супуриб, тозаланади. Кимдир ниҳол, кимдир гул экишга чоғланади. Марҳумлар ёдга олинади».

Яна нималарни ёзиш мумкин? Катта-катта дошқозонлар осилиб, сумалак тайёрланади. Бувиси Наврӯзда бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишини кўп бора таъкидлаган...

Достон баҳт оғушида қалам тебратаркан, шунчалик гўзал лаҳзаларни бошдан кечираётганлигини ўша сонияларда унчалик ҳис қилмаётганди. Чунки у бир кун келиб мана шундай сайилларда қатнашишни орзу қилишини, ҳар бир сўзу одатларни қўмсашини, шу борлиқса сингиб кетишини хоҳлаб қолишини билмасди.

Нариги хонадан бувиси ҳассасини «тўқ-тўқ» қилиб чиқиб келаётгандек, орадан йиллар ўтса-да ҳали ҳам ўша уйда, ўша жойда ётгандек туюлаверишини жажжи тасаввурига сифдира олмасди. Ҳозир фақат Наврӯз айёми ҳақида билганини қайд этиб қўйишни ўйлади, холос. Ростдан фақат шундай қилгандагина кўнгли хотиржам бўлади, кейинчалик эса унинг ҳамроҳи, сирдоши, суянчиғи, ишонган борлиғи шу тўкилдиклар бўлиб қолишини қаердан билсан...

Достон ёзганларини яна бир карра ўқиб чиқди. Нималардир ёзилиши керакдек кўнгли тўлмади. Деразадан боқча мўралади, ҳар йили пишар-пишмасдан тугаб қоладиган анорни, олмазорни, оқиши булутлар сузаётган кўкимтирип осмонни бироз кузатди. Чидолмади, ташқарига чиққиси чучмомалар тергиси, югуриб-югуриб ўйнагиси келди. Болалиги ғолиб чиқди, ёзаётганлари яқунланмай қолди. Балки, давоми келаси йилги Наврӯзда ёзилар...

Азиз НОРҚУЛОВ

Ҳарбий академик лицейларда она тили дарсларида ҳарбий мавзудаги матнлар ва тушунчаларни изоҳловчи луғатлар билан бирга «Темур тузуклари», «Бобурнома» каби асарлардан фойдаланамиз. Ушбу манбалар билан ишлашда ўқувчининг матнни ўқиб тушунишига алоҳида эътибор қаратилади.



Она тилини яхши ўзлаштирган ўқувчи бошқа фанларни қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Ўқиш саводхонлиги юқори бўлгани бошқа фанлардан берилган матнларни ўқиш орқали мантиқий, ижодий, танқидий фикрлайди, олган билимларини ҳаётни вазиятларда кўллаш лаёқати ривожланади. Ўқиши саводхонлигини ошириш ва матн билан ишлаш кўнникласини шакллантириша «Темур тузуклари» жуда кўл келади.

ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ ТУЗУГИ

Султанат ишларини қонун ва қоидалар (*тўра ва тузукка*) солиб, унинг мартабаларини мустаҳкамладим. Султанатнинг мартабалари тузугини кўйидагиларга таяниб туздим:

► биринчидан, султанатим мартабасини қонун-коидалар асосида шундай сакладимики, султанатим ишларига аралашиб, зиён етказишига ҳеч бир кимсанинг курби етмасди. Кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай;

► иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва кўркув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабр-тоқат, гоҳида билиб билмасликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудай бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги яна ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди. Менда бирор кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим.

Бирор кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим. Давлатим ва салтанатим қўёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган некукор ва бадирдор одамлар хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат таҳтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Қилган ёмонликларидан кўз юмиб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тордидим;

► учинчидан, ҳеч кимдан уч олиш пайдиа бўлмадим, тузимни тотиб, ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синаланган, шикоатли эр йигитларни кошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон химматизларни, кўнгли бузук қўрқоқларни мажлисимдан кувиб юбордим;

► тўртингидан, очиқ юзлилиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Ушбу матн асосида тест топширифи берилади.

ларнинг нутқий компетенциялари, хусусан, матн билан ишлаш, тўғри, аниқ гап тузиш кўнникларни ошади, шунингдек, «Темур тузуклари»дан ўрганганларини мустаҳкамлаб борадилар.

«Қўшма гаплар» мавзусини ўрганишда «Тузуклар»дан олинган гаплар ва улар асосида топшириклар берилади:

1. Ҳокимлар, сипоҳлар ва раиятдан қайси бирининг халқа жабр-зулм етказганини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

2. Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосида ҳамда ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

3. Ҳамишилағ таъкид этур эрдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, бир кунмас бир кун мевасини татирсан.

4. Шикоатли кишиларни дўст тут, чунки Аллоҳ жасур кишиларни ардоқлайди.

5. Ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг курдатли замини деб билдим.

Савол ва топшириклар (жавоблар оғзаки ёки ўзма шаклда берилши мумкин).

Юқоридаги қўшма гапларда Амир Темурнинг қайси сифатлари намоён бўлган?

Қўшма гапларни ҳар хил ифода шакллари билан бошқа турдаги қўшма гапларга айлантиринг. Қандай гапларда мазмун таъсирили, бўёқдор бўлади?

«Темур тузуклари»да қўшма гапларнинг қайси турлари кўпроқ кўлланган?

Она тили дарсида «Манодошлар услубияти» мавзусини ўрганишда куйидаги бундай топширикли машқлар ўқувчиларга грамматик мавзуни ўзлаштириш билан бирга «Тузуклар»ни ўрганишга ёрдам беради.

Топшириқ. Қуйидаги гапларни нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўзлардан мосини кўйиб кўчиринг.

1. Давлат ишларининг тўққиз ... (қисм, бўлак, улуш, ҳисса) кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир ... (қисм, бўлак, улуш, ҳисса) эса қилич билан бажо келтиришини англадим.

2. Мактубда ёзилмиш ... (фикарлар, сўзлар, маслаҳатлар, ўғитлар, тавсиялар) эса салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошли эди.

3. Яна тажрибамда кўрдимки, ... (душман, ёв, ғаним, ёғу, ағёр) лашкарини енгish қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди.

4. Донишмандлар демишларким, ўз ўрнида қилинган тадбир билан ... (сонсиз, саноқсиз, беадад, бисёр) лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай ... (юрт, диёр, мулк, мамлакат) дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлар.

Она тили дарсларида луғатлар билан ишлаш ўқувчиларга сўзларнинг мазмун-моҳиятини анлаган ҳолда қўллашга ёрдам беради. «Заковатли зукко» усулида берил-

ган тезкор саволларга ўқувчилар қисқа жавоб қайтарадилар ёки атамаларни айтиб, уларга изоҳ бериш сўралади.

Бу усулдаги сўровларни оғзаки ёки ўзма шаклда кўшин турлари, курол-яроғ, ҳарбий иншоот номларини ифодаловчи терминлар асосида ҳам ўтказиш мумкин.

Яна бир «Хатосини топинг» усулидаги топшириқ. Берилган изоҳларга мос атамаларни топинг (бу жадвалда атамалар ўрни ўзгартириб берилади).

1. Хабаргир.

Қўшиннинг ўнг қаноти, ўзбекча ўнг қўл, арабча маймана ва ямин деб юритилган.

2. Никовул.

Қўшиннинг чап қаноти ўзбекча сўл қўл, арабча майсара ва ясор деб юритилган.

3. Ҳировул.

Қўшиннинг олд, илғор қисми, авонғор.

4. Буронғор.

Темурийлар қўшинида ёвнинг юртига жўнатиладиган айғоҷи, разведкачи.

5. Жувонғор.

Жанг майдонини ташлаб қочган душманни таъқиб қилувчи отлиқ аскарлар.


Юқоридаги усуллар ёрдамида ҳарбий терминлар, уларнинг кўлланиш ўринлари, бугунги муқобили ҳақида тушунчага эга бўлади. Уларни луғат дафтирига қайд этиб бориш орқали ўқувчиларнинг сўз захираси, демаки, нутқи муттасил бойиб боради.

«Хотирада сақлаймиз» – ўқувчиларнинг ўзма саводхонлигини оширишдаги самарали усуллардан бири. Бунда ўқувчиларга «Темур тузуклари»дан парча берилади ва матндағи имлоси қийин сўзларни эслаб қолиш вазифаси топширилади. Кейинги дарсада шу матндан диктант ёзилиши айтилади. Ўқувчи диққат билан ўзлаштиришига эдлаб олади, чунки диктантни хатосиз ёзишга ҳаракат қиласи. Бу эса ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам ютуғидир. Натижада ўқувчи матндағи барча сўзларнинг маъносиға эътибор берибигина қолмай, балки ёзилишини ҳам диққат билан ўрганиб олади.

Юқоридаги каби лингвистик топширикларни бажариш давомида ўқувчилар қайта-қайта «Темур тузуклари»нинг мазмун-моҳиятини ўрганиб, Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти ҳамда инсоний фазилатларини янада теран англайдилар. Матндан ўзбек тилига ўзлашган арабча (ёки форсча) сўзларни фарқлайдилар. Фикримизча, «Темур тузуклари» асари ҳарбий академик лицейлар она тили хоналарида ўқувчининг партасида доимий турувчи китоб бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи ҳар бир машғулот мазмунига оид турли топширикларни асар матнига таянган ҳолда тайёрлайди. Ўқувчилар онгига мардлик, жасурлик, ўдабуронлик, ақл-идрокни ишлатиб, мулоҳаза юритиш каби фазилатлар сингдириб борилади.

Саида МАЖИДОВА,
ДХХ «Темурбеклар мактаби»
ҳарбий академик лицейи
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

Бу йилги
кўкламнинг
файзу
таровати
ўзгача бўлди.
Тўхтосиз ёғаётган
баҳор ёмғирлари дала-
даштга зеб бериб, кузги
буғдойзорларни яшнатмоқда. Шундай
лаҳзаларда кишининг қалби жўшиб,
бамисоли кўклам тошқинларида
тошади. Наврӯз коинот ва табиат
қонунлари, қуёшнинг ҳамал
буржига кириши, кечака ва
кундузнинг тенглашуви,
киннинг узая бориши,
табиатда жонланишнинг
бошланиши билан
боғлик бўлган.



Халқимиз Наврӯзни азал-азалдан янгиланиш, бунёдкорлик, эзгулик байрами сифатида нишонлаб келган. Табиатда уйғонишнинг бошланиши бўлгани сабабли ҳам юртимида ҳамиша эъзозланган. Баҳорни ким севмайди, ким соғиниб кутмайди? Шу боис бугун кўнгилларда баҳорий илиқлиқ, жўшқинлик ҳукмрон. Буни ота-бо боларимиз азал-азалдан ҳис этган. Сумалак, ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомларимиз дастурхонларга тортилиб, Наврӯзи олам катта тантана билан нишонланган. Ҳамал – амал кириб, табиат уйғониши билан халқимиз, аввало, дехқон бобонинг ишларига қут-барака тилаган. Наврӯз сайилларида кўклам таомлари (кўк чучвара, кўк сомса, кўк ош, ялпиз, исмалоқдан тайёрланган салатлар) тайёрлаш борасида танловлар ўтказилади. Сумалак сайли, ҳалим базми, дарвешона, гул сайиллари Наврӯзни безайди. Кейинги тадбирлар дехқонларга янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак беради. Тадбирлар «Қўш оши», «Экин сайли» маросими – янги меҳнат мавсуми муносабати билан, ургуф қадашнинг биринчи кунига бағишлиланган маросим билан ниҳояланади.

Наврӯз байрами ҳар биримизни ҳомийликка, мухтожларга кўмаклашишга, бир-бirimizga яхшилик қилишга дъяват этади. Мехр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганки, бу ишларни ҳеч ким бирон тاما ёки довруғ қозониш учун қилмайди. Бу хайрли юмушлар холисона, азбаройи савоб

учун қилинадики, бундай кишилар, шубҳасиз, икки дунё саода-тига эришадилар.

НАВРӮЗ ТАРИХИ ВА ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ

Наврӯз кўпчилик шарқ халқлари томонидан минглаб йиллар давомида миллий байрам сифатида кенг кўламда нишонлаб келинади. Наврӯз ҳақида турли лапарлар, куй-кўшиклар, шеъру фазаллар хуллас ёзма ва оғзаки ижод дурдоналарининг барча турлари мавжуд. Жуда кўплаб адабиёт, тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, бироқ унинг қачон пайдо бўлгани аниқ тарихий фактлар асосида далиллаб берилган эмас. Сақланиб қолган миф, афсона ва ривоятлар, кўшиклар таҳлилига суюниб шуни

айтиш мумкинки, бу анъана қадим даврлардаёқ халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган, ўша қадим даврлардаёқ улуснинг улуф кунига айлануб улгурган.

Наврӯзning шаклланиш даври – энг қадимги замонлардан зардуштийликнинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи деб саналган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб: «Бу ойнинг биринчи куни Наврӯздир», – дейди. – Наврӯз йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони англатади.

Қадим-қадимдан Наврӯз холисиятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган. Ўша кунларда ҳатто уруш-жанжаллар тўхталган, гина-кудуратлар кечириб юборилган. Шоҳлар эл ичидан энг муносиб кишиларни тақдирлашган, айрим маҳбусларнинг гуноҳидан ўтишган. Наврӯз кишиларни табиатга яқинлаштирган, инсон ва табиат ўртасидағи ўзаро узвий алоқадорликни акс эттирган мусулмон халқарининг ажойиб ва ноёб маданий-маънавий меросидир. Қуёш айни шу куни ҳаётбахш нурларини тик, яъни 90 дараҷа бурчак ҳосил қилиб, сайдерамизнинг қоқ белига – экваторга йўналтиради. Шу дақиқаларда баҳорги кечакундуз тенглашади ва 22 марта бошлаб, Қуёшнинг тик йўналган нури шимолий тропик чизиги томон ҳаракатланади. Бу Наврӯзниг илк ва қутлуғ қадами бўлиб, табиатнинг жонланиши билан кишиларнинг хўжалик фаолияти ўртасида уйғунлик намоён бўлади. Жумладан, бободеҳқон она ерга ишлов беришга киришади; табиат ўт-ўланлар, қир-адирларни гилам сингари яшил либосга бўяди.

Наврӯз – ҳар йили илк баҳорда нишонланиб, минг йиллардан бери ўз нашидаси билан кишилар қалбидан жой олган, ҳалқ севган шодиёна. Бу байрамнинг суғорма дехқончилик-ка боғлиқлиги бор. Дехқоннинг илк марта далага чиқиши «Янги кун» – «Наврӯз» деб аталган. Бу байрам меҳнатни улуғлашга, севишга, меҳнатдан лаззатланишга ҳаёт шунинг орқасидан ширин эканини одамларга тушунтиришида катта аҳамият касб этган.

Наврӯзниг тарихий илдизлари милоддан аввалги икки мингинчи йилларга бориб тақалади. «Авесто»да келтирилишича, мазкур байрамнинг қувонч ва шодлик рамзига айланиши қавм ва қабилалар ўртасида ибтидоий дунёқарашларнинг пайдо бўлганидан далолат бериб, сарзанимиз халқарининг табиатга, унинг яратувчилик кучларига, шунингдек, сув, олов, ҳаво, тупроқقا ўхшаш мавжуд унсурларига сифиниш палласига тўғри келади. Зотан, уларнинг олам ҳақидаги диний дунёқарашлари табиат воқеалари ҳамда турмуш тарзининг машақкатлари асосида қурилган бўлиб, табиат қонунларини илоҳий кучдан ажратса олмасдилар.

Наврӯзниг бир неча минг йиллар давомида ўзгармай, нишонланиб келишига сабаб бўлган омиллардан бири бу том маънода ҳалқ байрами эканидир. Қадимий одатларга кўра, байрам дастурхонида етти «шин», яни «ш» ҳарфи билан бошланадиган етти хил неъмат: шакар, шарбат, шинни, шароб, шир (сут), шона (тароқ) ва шамнинг бўлиши шарт ҳисобланган. Шам зулмат ва ёвузлик кушандалари: одамлар омбор, даҳлиз, ошхона ва шунга ўхшаш манзилларнинг барча гўшаларига шам ёқиб, нафақат зулматни йўлатмасликка ҳаракат қиласдилар, балки шундай далиллар ҳам учрайди-

НАВРӮЗ!

БУЛСИН

ХАРКУНИНГ



ки, баҳор ҳарорати паст келган кезларда далаларда улкан ва ўчмас гулханлар ёқиб, унинг тафти билан арпа пишигини жадаллаштирар эдилар.

Баҳор байрамлари инсоният вужудга келиши билан пайдо бўлган бўлиб, одамларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида барча ерларга ёйилган ва кейинчалик, барча халқларда турли анъаналар, ҳар хил шакл ва турли номлар билан ўюштирилган. Масалан, японларда – Риссон, Хитойларда – Чуньпзе, славян халқларида – Масленница, Марказий ва Ўрта Осиё халқларида эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Наврӯз ёки Йилбоши деб ном олган.

Ўрта Осиё халқлари ўртасида Наврӯз шунчалик кенг тарқалиб бордики, у ҳақда сўз юритмаган, мадҳини кўйламаган алломалар кам бўлган. Ўрта аср ва кейинги даврларда Наврӯзниң халқ турмуши ва маънавий ҳәтидаги мавқеи, файзу таровати, фазилат ҳамда хосияти ҳақида қомусий билим эгалари Абу Райхон Беруний, Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Файзий Файёзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Калис Кошоний, Фурқат, Муқимий, Садриддин Айний, Ҳамза кабилар ажойиб фикр-мулоҳазалар билдирганлар, гўзал шеълар битгандар. Наврӯз ҳақида ёзганларини бирлаштиrsa бир эмас бир неча китоб ҳам бўлиши мумкин.

Наврӯз одатда бозор қошидаги майдонларда, шаҳар чеккаларидаги махсус сайилгоҳларда ўюштирилган. Биринчи куни эрталаб, байрам бошлангандан кейин, карнай-сурнайчи мутриблар, дорбозлар ва полвонларнинг чиқишлари, кун ўртасида мусиқачилар, хонандаларнинг ижролари, кечки пайт эса сайиллар, базмлар ўюштирилган. Байрам қизиган сайин томоша ва мусобақалар авжига чиқа бошлаган. Кўпкари, кураш, пойга байрамнинг кўрки саналган. Шу билан бирга Наврӯзда бедана, хўрз, кўчкор уриштириш ўйинлари ўтказилган. Энг катта бозорда савдо-сотиқлар ташкил қилинган. Ўша куни ширин таомлар тайёрланган. Ҳовли-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар экиш, ота-она, яқин ёру дўстларни, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби одатлар Наврӯзниң таркибий қисмига айланган. Наврӯз арафасида ёки кейин, яъни то меҳнат мавсумига қадар баҳор билан боғлик бўлган бир қанча сайиллар ўтказиб турилган. Чунончи бу фаслнинг шоҳона таоми – сумалакка бағишлиланган сайил аждодларимизнинг энг яхши удумларидан саналган.

Сумалак сайлининг байрам сифатида шаклланганлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Шулардан бири: дехқон олиб кўйган охирги донини тезроқ экиш учун яхши ниятлар билан олдинрок ивитиб кўяди. Лекин бирдан об-ҳаво бузилади. Буғдой идишда ниш уриб ўса бошлайди, об-ҳаво яхшиланавермайди. Дехқон оила аъзолари оч турган пайтда буғдойни бутунлай нобуд қиласлик чораларини излайди. У тавакkal қилиб ниш урган ва анча бўй кўтарган донни қиймалайди ва хотинига бундан таом пиширишни буяради. Уй бекаси уни узок вақт қайнатади. Қарангки, оққунгил дехқоннинг нијати холис чиқади. Ундан ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узок вақт эсида қоладиган даражадаги ширина таом ҳосил бўлади. Бу таом борган сари халқ ўртасида кенг тарқалиб, баҳорнинг энг лаззатли таомига айланади.

Сумалак сайли қадимдан кишиларда бирдамлик, аҳиллик ҳиссини тарбиялаб келган. Сумалак тайёрланадиган жойга қўни-қўшиллар бир ҳовучдан ун олиб келишган, биргаликда таом пиширишган, бир қозонда тайёрланган овқатни ҳамма баҳам кўрган.

Наврӯз – халқимизнинг яратувчанлик меҳнати билан боғлиқ, орзу-умидларини кўйлаган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини халқ ижоди усули ва услублари ёрдамида тараннум этган, халқимизнинг бой миллий санъатини, урф-одатларини ўзида сақлаган байрам. У кишиларни, айниқса, ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, меҳрибонликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаиди.

Шарқ халқларининг улкан байрами тарихи, анъаналари ва ҳозирги кўринишларига, дикқатга сазовор ижобий томонларига тўхталиб ўтамиш.

Биринчидан, у халқ ҳаётининг таркибий қисми бўлиб, энг йирик ҳодиса, воқеа, саналарни қайд қилиб, уларни нишонлаш учун имкониятлар яратган. Дарҳақиҷат, байрам шундай руҳий-хиссий кайфиётни вужудга келтирганки, ҳамма хурсанд, шод ва баҳтиёр бўлган.

Иккинчидан, байрамлар ҳаётининг давоми ҳисобланса-да, вақтнинг бир хиллигини бузиб, унга муайян ўзгариш баҳш этиди. Шу сабабли қадимдан байрамлар ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Чунончи Наврӯз – Йилбошини нишонлаш вақти келганда одамлар умрларидан яна бир йил ўтганилигини ҳис қилишган.

Учинчидан, халқ байрамлари, жумладан, Наврӯз ҳаётининг энг яхши

томонларини акс эттирадиган «кўзгу»си бўлиб келган. Кишилар Наврӯз куни энг яхши хулқларини намоњиш қилган, гўзал либос ва кийимларни кийишган, лаззатли таомлар тайёрлашган, ўзларидаги қобилиятларни намоњиш этгандар. Наврӯз куни ёмонлар – яхши, хасислар – саҳиҳ, хунуклар – гўзал, гўзаллар янада латофатли бўлиб кетишар экан.

Тўртинчидан, Наврӯз озодлик ва эркинлик куни ҳисобланган. Чунки бу кун одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишлардан озод бўлган. Байрам кунлари барча ташвишлар, дарду аламлар унтилган, кишилар ўзини шоду хурсанд бўлишга шайлаган. Бу куни одобсизлик, ўғрилик, зўравонлик, фисқу фасод кабилар унтилган.

Бешинчидан, Наврӯз куни тенглик ҳукм сурган, ҳамма бир қозондан овқат еган, бир хил томоша кўрган, бирга сайилгоҳларга чиқиб, кўнгил очишиган.

Олтинчидан, Наврӯз куни – тинчлик куни ҳисобланган, урушлар тўхтатилган.

Орасидан гап қочганларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврӯз куни яраштириб қўйишган.

Наврӯзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Қўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

Наврӯзда дастурхонига 7 хил дарахт баргидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайдун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқлар. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлок, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар қўйилган!

Сумалак тагига олмаслиги учун қозонга етти ёки ўн уч дона тош ташлаб қўйилади.

Бўй етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқдан кўзалларга сув олиб келиб, ичига узук, сирға, танга ташлашган. Кейин қўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишонлар баҳт рамзи деб ҳисобланган.

Байрам куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва шириналлар ҳада қилиши (ҳаётингиз

Хафагарчиликлар унтилган, ўзаро аразлашганлар ярашган, танишлар дўстлашган. Бу байрамда шундай ҳолат вужудга келганки, унда омма руҳан бирлашган, ҳамжихатлик, дўстлик риштлари мустаҳкамланган.

Еттингчидан, Наврӯз кунларида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни келажакка ишонч билан қараш, ҳаётни янада гўзал қилишга унданаган. Бу байрам арафасида бир-бирини қутлашган, келажак учун яхши истаклар билдиришган, ишларига муваффақиятлар, омад, баҳт тилашган.

НАВРӮЗ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН УДУМЛАР, АНЪАНАЛАР ВА РАСМ-РУСУМЛАРДАН НАМУНАЛАР

Наврӯз куни туғилган боланинг исмини Наврӯз кўйишган. Одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йигитлар унаштирилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

Жаҳонгир ҚАЛАНДАРОВ,
Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мағкуравий ишлар бош бошқармаси бўлими бошлиғи

Жиззахнинг Фаллаорол туманидан 40 чақирим узоқликда жойлашган Қўйтош қишлоғининг ўйли чап бўлгани учун ҳам кўпчилик билмаслиги мумкин. Қишлоғининг тўрт томони харсанглардан иборат баланд-баланд тоғлар билан ўралган. Аҳолиси чорвачилик, дэхқончилик билан шуғулланади. Меҳнатсевар халқи ана шундай баланд тоғлар орасидан тошларни қазиб булоқлар чиқаришган, боғу роғлар яратишган. Уйимиздан уч чақирим олиса тоғлар орасида боғимиз бўларди. Ана шу боқقا отам билан болалигимда тез-тез борардим. Ҳар сафар йўл-йўлакай отамдан ўзим билмаган ҳолда кичкина қишлоқнинг катта тарихини эшишиб кетардим...

ЛОЛАЛАР ҲАҚИДА ТЎҚИЛМАГАН ЭРТАК



– Ота, бу тошлар нега бундай? Мана бу тош филга ўхшайди, буниси уйга, мана буниси тандирга, унинг ёнидагиси эса нон ёпаётган аёлга... Анави тошни қаранг, худди беланчакка ўхшайди, мана бу ерда ёстиқ ўрнида кичкина бош сифадиган чуқурча бор, нега шундай-а? – дейман тошдан тошга сакраб. – Мана бу тош катта дарвозага ўхшайди. Бу дарвозадан фақат яхши, меҳрибон одамлар ўта олади-а, шундайми?!

Оtam аслида қишлоқнинг номи мана шу тошлар билан боғлиқлигини уқтирукан:

– Хў, тепаликларга қара-чи, у ёқдаги тошлар нимага ўхшайди? – дейди қўйини пешонасига соябон қилиб.

Узок-узокларга тикиламан. Бироздан сўнг онгу шууримда ажиб манзара гавдаланади.

– Топдим! Топдим! Бу тошлар ўтлаб юрган қўйларга ўхшайди, – дейман ҳайратланиб.

– Ҳа, ана шундай, бу тошлар ўтлаб юрган қўйларга ўхшайди.

– Тошга айланган қўйлар, – дейман чапак чалиб.

– Шунинг учун бу ернинг номи Қўйтошда.

– Қўйлар тошга айланниб қолганми? – дейман отамдан бир неча бор эшигтан ривоятимни қайта эшигтим келиб...

– Мана, эшият: ривоят қилишларича, бир малика бўлган экан. Унинг сехру жодудан хабари бўлиб, сувни дарахтларга, дарахтларни эса бошқа нарсаларга айлантириб қўяркан. У шунчалик тошбагир эканки, баъзида ўт-ўланларни сувсизликдан қовжиратса, гоҳида атрофни сув тошқинига ғарқ қиларкан. Кунлардан бир кун жодугар малика чўпонга дуч келиби, уни яхши кўриб қолиби ва «менга ўйланасан», дебди. Аммо чўпон:

– Ўз севган қизим бор, оддий, меҳрибон ва оқила.

Фақат ўша қизга ўйланаман, дебди. Бу гапни эшигтан малика ғазабланиб, йигитнинг қўйларини ҳам, ҳар доим тандирда нон ёпиб узатадиган севган қизини ҳам – ҳамма-ҳаммасини тошга айлантириб қўйган экан.

Ўшанда отам менга айтиб берган ушбу ривоят чинек туюлганди.

Оtam боф юмушлари билан овора бўлганида тошларда сакраб, турли ўт-ўланлар, гуллар териш билан машғул бўлардим. Айниқса, тепаликлардан сизиб чиқаётган булоқлар, тошлар орасини ёриб чиқсан лолалар жудаям ҳайратлантиради. Баъзида машқатлар билан ана шундай лоладан бир донасинигина узуб олардим, кечкурун энамга ёки онамга берардим.

Билмадим, лолаларни бошқа гуллар каби ҳамма жойда учратмаганим, мashaққатлар билан тошлар орасидан узуб олганим учунми меҳрим бўлакча эди...

Ўшанда синфда фақат қизлар қолгандик. Синф раҳбаримиз қизлар билан одоб-ахлоқ мавзусида сухбат олиб бораётганди. Гап орасида ўқитувчимиз биздан қайси гулни яхши кўришимизни ва ўзимизни қандай гулга қиёлашишимизни сўради. Бирор атиргулга, бирор бойчечак, бинафша... мен эса, лолага ўхшайман, дедим. Кечкурун мактабдаги сухбатни энам билан ҳам бўлишдим.

– Нега ўзингни лолага ўхшатдинг, қизим? – деди энам.

– Лолалар кўл етмас жойда ўсгани учун, қизиллиги учун ёқади, – дедим.

– Лекин лолаларнинг кисмати жуда оғир, улар ўзи нозик бўлса-да, тоғу тошларни ёриб чиқади...

Кейинчалик ҳаёт синовлагира дуч келганимда, доимо тогнинг тепаларида тошларни ёриб чиқсан қип-қизил лолаларни хаёлимдан ўтказдардим...

Улғайгач, шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафвутни англай бошлагандан сўнг Қўйтош ҳақидаги болаликдаги тасаввурим янада кенгайди. Шунча ер ости ва усти табиий бойликлари, ўз тарихига эга бўлган бу кичкина қишлоқда ўтган болалик хотираларим она табият билан боғлиқ бўлгани учунми мен учун жуда қадрли...

Хозир қайси гул бозори ёки дўконга кирманг, турли рангла товланиб турган лолаларга кўзингиз тушади. Айниқса, бозорда сотиладиган табият қўйнида ўсадиган тоғ лоласининг қадри бошқача.

Ҳар баҳорда «Лола сотаман, тоғ лоласи, дэхқончилик, олинг, арzon!» деган сотувчининг овозини эшигтсан болаликка қайтаман.

Энамнинг айтишича, авваллари лолалар ҳовлимиз яқинларида, қир-адиrlарда гиламдек очилиб ётаркан.

– Биласанми, – деди бир куни энам, – лолалар

– муҳабbat гули. У тошга айланган чўпон йигит ва унинг севгилисингинг кўз ёшларидан пайдо бўлган. Тоглarda ўсадиган бу лолаларнинг номи ҳам ажойиб – дилбанд лола. Болалигимизда нафақат лолалар, балки каклик, булбул, бедана каби қушлар, тулки, жайра, кўён, тоғ эчкилари каби ҳайвонлар ҳам ҳовлиларимиз яқинида жуда сероб эди. Уларнинг йўқолиб кетишига сен билан менга ўшаган одамларнинг табиятга беларволиги сабаб. Ҳар баҳор билсанг, қишлоғимизга тўда-тўда ўзга шаҳарлардан келган меҳмонлар лола сайлига чиқишиди, уларни аёвсиз топташади, узуб олишади ва оқибатда улар инсонлардан хафа бўлиб, тобора ўзқлашип бораверади.

Ҳа, айнан қир-адиrlар лолақизғалдоқ ва лолаларга бурканган пайтда анъанавий тарзда гул сайлига чиқиш удуми туфайли лолалар камайиб, «Қизил китоб»га кирган бўлса, не ажаб... Этнограф олимларнинг айтишича, асосан Фарғона водийсида, Тошкент, Самарқанд, Сурхон-

дарё, Жиззах вилоятларида ўtkazилган бу қадимиий сайил ёш авлод қалбида табиятга муҳабbat ҳиссini тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этаркан. Аммо масала-нинг яна бир томони табият гўзаллигидан завқ олиш учун ўюштирилган бундай са-йилларга айнан маълум бир турдаги ўсимликлар қурбонлик қилинмаганим? Этнограф олма Е. Пешчреванинг маълумотларига қараганда, Лола сайлини даставвал лолачилар бошлаб беришган. Дарахт шохларини лола билан безатишган ва ана шу гулчаманни кўтариб, қишлоқ кўчалари бўйлаб айланиб юрганлар. Лолачиларни кўрган одамлар гулчаман шохига турли мато бўллаги, рўмолчани боғлаб, орзу-истакларини изҳор этишган. Лолачи билалор гуллар билан бурканган дарахт шохини лолазорнинг ўртасига ўрнатиб қўйишган. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари Лола сайлини бошлаш учун оқ фотиха берганлар.

Тасаввур қиляпизми, ана шу лолаларни териш учун берилиган оқ фотиханинг кўрсатаётган асоратуни. Бугун ана шундай са-йиллар натижаси ўлароқ, энамнинг «Лолалар үйимиз яқинида ўсиб ётарди» дега айтганлари худди эртакка ўхшайди. Чунки буғунга келиб, лолаларни жуда узокда жойлашган тогнинг энг чўққилидагина учратишингиз мумкин-да. Мен ҳам вақт ўтиб, фарзандларимга «Бир пайтлар лолалар ҳув тоғларда ўсиб ётарди», деб чўпчак айтсан, кейинчалик фар-зандларим фарзандларига: «Қадим ўтган замонда, ҳув узокларда лолалар очилиб ётаркан...» дега эртак айтиб бермасмикан... Манбаларда келтирилишича, лолаларнинг 30 га яқин турли қизил китобга киритилган. Демак, қачонлардир, лолаларнинг тоғларда табиий ўсиб ётиши эртакка айланиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас...

Хўжжатларимни ўқишига топшириб, омадим чопмаганидан кейин онам баҳорнинг илк кунларида кўчамиздан лола сайлига тўда-тўда бўлиб ўтаётган йигит-қизларни кўриб: «Қанийди, сен ҳам талаба бўлсангу, дугоналаринг тоқа эргаштириб чиқсанг...» Бу онамнинг эзгу орзуларидан бири эди. Лекин талаба бўлгач ҳам ҳеч қачон ўртоқларимни баҳор пайти қишлоқка олиб келмадим. Бундай бўлишига сабаб эса...

Бир куни қўшини қишлоқда яшайдиган амакимнинг ўғли сабоқдош ўртоқларини бизникига меҳмонга олиб келди. Ўшанда илк баҳор пайти, табиятнинг гўзаллиги бекиёс эди. Онам уларни бор нарсасини ўртага қўйиб, меҳмон килди. Кейин улар тоққа чиқиб кетишида-да, қуҷоқ-куҷоқ лола териб келишиди.

Челаклардаги сувга солиб қўйилган қип-қизил лолаларни кўриб, кўнглимдан кечган ўйни, ранжу аламни фақат ўзимгина хис қилдим. Кўнглимда тоққа чиққанимда лолаларни кўрсангандан кечган ҳаққи йўқ, чунки лолаларнинг ранги қизил, танамизда гуририб оқаётган қон каби қизил, қип-қизил...

Лолаларни қизиллиги учун ҳаммадан қизғанардим, қўёшдан, осмондан, қушлардан, булутлардан, ҳатто ўзимнинг нигоҳларимдан ҳам. Лолаларнинг бари менини бўлишини, улар ҳар баҳор ана шундай қип-қизил бўлиб очилиб туришини жудаям истардим. Лекин уйимизга келган меҳмонларнинг лолаларни аёвсиз тергани учун уларга раҳмим келдими, онамга: «Амакимга айтинг, ўзи ҳам, ўртоқлари ҳам бизнисига бошқа келишмасин», дедим. Лолалардан кўзимни узолмай, ички хўрснини билан айтган гапидман кейин онамнинг қўлидаги пиёла ерга тушиси чил-чил синганини, ҳайрат тўла кўзларини, меҳмонларнинг эса бир-бирига қараганча тек қотганларни кўрдим. Ҳаммасини жавобсиз қолдириб, кўчага отилдим...

Яна шундай баҳор кунларининг бирида мактабдан келсам, уйда нон тугабди. Дўёнга юргурдим. Дўён автобус қатнайдиган бекатнинг ёнгинасида эди. Нонни олиб қайтаётган эдим, автобус келиб тўхтади. Тўдатўда йигит-қизлар ўзларини автобусга уришди. Икки кўзим ерда сочилиб ётган лолаларда эди. Уларни талаба йигит-қизлар тўполонда ортиқча ҳисоблаб ташлаб юборишганди. Бечора лолалар сувсизликдан сўлиб:

«ҳали яшашим мумкин эди...» дега фарёд чекаётганди. Автобус оғир қўзғалиб, лолаларни босиб-янчиб кетди. Ер назаримда қонга бўялди. Илк бор ўшанда қачонлардир талаба бўлсан, сабоқдошларимни лола сайлига олиб келмасликка қарор қилдим. Талаба ҳам бўлдим.

Онамнинг сочлари каби оқ орзулари ушади. Сабоқдош дўстларимни онам орзу қилганидек эргаштириб бир неча марта бордим. Фақат баҳордан бошқа фаслларда. Онам бўлса бот-бот дугоналаримни лола сайлига баҳор пайти олиб келишимни тайинларди. Ҳар гал хўп дейиш билан чегараланаардим. Ва онамнинг орзуларидан бири ҳеч қачон ушалмади – дугоналаримни лола сайлига олиб бормадим.

Фарзандларим шаҳарда яшаётганлигимиз сабабли тоғда ўсган табиий лолаларни кўрмаган. Улар ҳар или баҳорда лола сайлига чиқишига оғиздириб...

Табият оқ ёпинчиини ташлаб, яшил майсаларга бурканди. Куртаклар уйқудан

эрнибигина кўз очмоқда. Оилавий лола сайлига чиқмоқчимиз. Аммо лолалар ўсадиган тоғу тошларга борадиган йўлда мен ном қўйган улкан тош – меҳр-шафқат дарвозасидан фақат кўнглида табиятга муҳаббати бисёр одамларгина ўта олади. Тушунинг, ишонинг, хис қилинг, лолаларни теришга, бирлаҳлик кувончни деб, уларнинг бағрини қон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, чунки лолаларнинг ранги қизил, танамизда гуририб оқаётган қон каби қизил, қип-қизил...

**Барно СУЛТОНОВА,
журналист**

Мустақиллик юртимиз аёллари тақдирида ҳам катта үзгаришлар ясади. Имкониятлардан оқилона фойдаланаётган аёллар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Яъни жамиятда аёлларнинг ўрни, нуфузи ортди. Қувонарлиси, ўз билим-заковати билан тадбиркорликни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратадаётган, шу орқали оиласлар фаровонлигига ўз улушкини қўшаётган ишбilarмон аёллар сафи кенгайди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Қалқон» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган Узумгул Примбетова ҳам шундай фаол аёллардан. Сартарошлик сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, ҳозирда яшаб турган уйида гўзаллик салони очган қаҳрамонимиз подполковник Исломбек Тлеумуратовнинг турмуш ўртоғи бўлади. Ҳам оиласда, ҳам жамиятда ўрин топаётган Узумгул гўзаллик салонини ишга тушириш орқали шу маҳаллада истиқомат қилаётган тўрт нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзосини иш билан таъминлади.

Сартарошлик – мураккаб ҳунарлар сирасидан. Айниқса, аёллар сартароши бўлишнинг ўзига яраши қийинчилиги бор. Чунки сочнинг хусусияти, ранги ва юз кўринишидан келиб чиқсан ҳолда турмакни тўғри ташлашни ҳамма ҳам эплай олмайди. Шунинг учун бу касб эгалари орасида «сартарош чинаккам ижодкор бўлиши лозим. Ана шунда гўзаллик-

ни тез илғаб, юзага чиқара олади», деган гап юради. Агар инсонда бу ҳунарга кучли қизиқиш ва қобилият бўлса, албатта, уни мукаммал ўзлаштира олади.

– Болагимдан сочни турмаклашга қизиқардим. Шунинг учун соч ўришнинг ўнга яқин усулини мустақил ўрганганман, – дейди Узумгул биз билан сухбатда. – Оиласда тўрт қиз улғайганмиз. Опа-сингилларимнинг, дугоналаримнинг сочларини доим чиройли ўриб ёки турмаклаб қўярдим. Агар мактабимизда бирор байрам ёки тадбир бўлса, маҳалладаги ҳамма қизлар соч турмаклатишга келарди. Шундай қилиб, кичкиналигидан «сартарош» деган ном олганман.

Вақт ўтиб, турмушга чиқдим, фарзандли бўлдим. Лекин шундай бўлса-да, қалбимдаги сартарошликка бўлган қизиқиш сўнмади. Аксинча, янги маҳаллага кўчib келганимдан кейин бу ҳунарни мукаммал ўрганиш истаги пайдо бўлди. Ахир айтишади-ку, илм олишнинг,

касб-ҳунар ўрганишнинг эрта-кечи бўлмайди, деб. Бу истагимни турмуш ўртоғим қўллаб-қувватлади ва тажрибали сартарошга шогирд тушдим. Бир ой сартарошлик сир-асрорларини қунт билан ўргандим.

Сартарошни амалиёт сайқаллади, дейишади. Дарҳақиқат, мен ҳам амалиёт давомида янги соч турмакларини яратишга эришдим. Сочга ишлов беришнинг замонавий усулларини ўзлаштирудим. «Ўқишини тутгатсан ўзим мустақил гўзаллик салони очаман», деб режа қилиб юрадим. Бир куни бу ҳақда турмуш ўртоғимга айтдим. У киши «яхши ўлабсан. Ёрдам бераман. Хоҳласанг, яшаб турган ўйимизнинг икки хонасини гўзаллик салони учун ажратишими мумкин. Болалар ҳам ёнингда бўлади», деб қолди. Бу фикр айни муддао бўлди. Шундай қилиб, давлат рўйхатидан ўтиб, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим, банкдан олтмиш миллион сўм кредит

олдим. Хоналарни гўзаллик салонига мослаштиридик, жиҳозладик. Айни вақтда гўзаллик салонида икки нафар сартарош-стилист, тирноқка ишлов берувчи мутахассис ва косметолог аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Барчаси тажрибали, ўз касбининг устаси. Ишини ҳеч қачон қўл учидан қилмайди. Шунинг учун бўлса керак мижозларимиз кун сайин ортятпи.

Орзум амалга ошганидан қувонаман. Ватанимиз равнақига оз бўлса-да ҳиссамни қўшаётганидан кўнглим тофқадар юксалади...

– Яшнобод туманидаги Банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи мономарказнинг тирноқка ишлов бериш курсида ўқиганман, – дейди Шоҳиста Шодмонхўжаева. – Иш бошлаганимизга кўп вақт бўлмаган бўлса-да бу ерда ишлаётганилар билан худди кўп йиллардан бўён бирга ишлаётган қадрдонлардек яқин бўлиб, самимий мухитда меҳнат қиляпмиз. Бизни бирлаштирган, доим ёрдами ни аямайдиган Узумгулдан

миннатдормиз. Энг муҳими, меҳнат қиляпмиз, жамиятга нафимиз тегяпти.

– Келажакда гўзаллик салонини кенгайтириши режалаштиряпман, – дейди Узумгул Примбетова. – Шу орқали ҳарбий шаҳарчамиздаги кўплаб хотин-қизларни иш билан таъминлаш ниятидаман. Шогирдлар етиштироқчиман. Чунки аёллар сартарошига ҳар доим талаб катта. Агар аёлларимиз бўш вақтларини фойдали ишга сарфлашса, бу жамиятимиз учун ҳам фойдали.

Хайрли ишнинг йўли очиқ, деб бежиз айтишмайди. Зоро, ўзгаларга яхшилик соғинадиганларнинг ҳаёт йўллари ҳамиша эзгулик нури илиа ҷароғон бўлади. Аслида бир инсонга ҳунар ўргатиш ҳам савоб амалдир. Истагимиз, яхшиликни умранинг мазмуни деб билган, эзгу ишга бош қўшаётган аёлларимиз сафи кенгаяверсин.

Подполковник Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

ИМКОНИЯТДАН



УНУМИ ФОЙДАЛАНИБ

TARBIYA

АЁЛ ИБРАТИ

Бу воқеаага анча бўлди. Гўзаллик салонида навбат кутиб ўтирган икки жувоннинг ёш қизчалари олдида қайнонасини гийбат қилиб ўтирганларига гувоҳ бўлдим.

– Тунов куни мактабдаги «Алифбе» байрами учун қизимни шу ерга олиб кириб, сочини турмаклатиб кетдим. Аммо ўйга борганимда қайнонам билан бўлди жанжал, бўлди қиёмат.

– Нимага?

– У киши хоҳлаганидай келин эмасмишман. Топган гапи-чи?! «Неварамнинг тарбиясини бузасиз» дейди. Аслида зиқналиги тутиб, анча мунча пулни ишлатганимга ғаши келди. «Модага қараб, кийинишимга қарши туриб қилган жанжалларингиз камми, энди набирангиз учун ҳам уришасизми?» деб бобиллаб бердим.

– Қўявер, қайнона зотининг бари шу. Менинг қайнонам ҳам шундай. Аслида учта болам билан ажратиб юборолмайди-ку. Қолаверса, сарф қилаётган пулим-

ни қайнонамдан олаётганим йўқ. Ўзим топаётганим учун эрим индаётганди...

Етти ёшида сочини турмаклатиш учун салонга келган қизча эса жимгина сұхбатни эшитиб ўтиради. Унинг назарида бувиси жуда зиқна, жанжалкаш. Онаси эса унинг чиройли бўлишини хоҳладиган яхши аёл. Афсуски, бола шу зайлда «қайнона», албатта ёмон» деган фикр билан улғайиб боради.

Ҳаёт мураккаб. Ёш она паримиз баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ жанжалларга дуч келади. «Ўзимни ҳимоя қилғман», деган оқлов хулоса билан мөъеридан ошириб бақиришга, гап талашаётган кишиси ўзидан катталигини ўйламай сенсираб, қўлини бигиз қилиб, уришишгача бораётгандари ҳам йўқ эмас. Эҳтимол, ўша жувонлар эрта-индин қизи улғайиб, энди онасининг ўзига бўйсунмай қўйганида «менга гап қайтарма», деб қизидан хафа

бўлар. Гап қайтармаслик ҳақида тарбия берар. Яхши қиз қанақа бўлиши ҳақида, одоб, ҳаё, ибо ҳақида ўйт берар. Аммо аёл қизи аллақачон тарбияни онасининг кечаги кунидан, феъль авторидан олиб бўлганини билармикн?!


Агар ўша оналар китоб ўқишини сўйса, ўқиганларидан хулоса чиқариб, ўз ҳаётига, феъль фазилатига бир разм солса, яхши ёмонни осон фарқларди. Ўзбекона қадриятларимизни ҳурмат қилиб, ўзи ҳам хурматга лойиқ бўлиб бораради.

Орамизда қизини ўз ибрati билан тарбиялаб, уларнинг баҳтини яқинлаштириб бераётганд, болаларим етим бўлмасин, деб баъзан ноқобил, баъзан бевафо турмуш ўртоғининг жабрига сабр қиладиган оналар, аёллар ҳам йўқ эмас. Қишлоғимизда яшайдиган шундай аёлни била-ман. Унинг ўз турмушидан ўқсишиб, кимгадир шико-

ят қилганини, кимнидир қарғаб, норози бўлганини ҳеч ким кўрмаган. Болалари олдида ҳар турли гапларни гапирмайди. Ота обрўсини сақлашга интилиб яшайди. Келин бўлиб тушган ховлисига меҳр қўяди ва ўз келинлик бурчларини унутмайди.

Ҳаётда ҳеч нарса ажрасиз эмас, қайнонаси доим келинининг сабр-бардошига қойил қолиб, ноқобил ўғлига инсоғ тилаб дуо қилаверди. Қувонарлиси, бувижонларидан дуо, онасидан ибрат олиб улғайиши. Ҳаммаси баҳт топиб кетди. Демак, фарзандининг баҳту иқболи она ибрatiга тааллуқли экан, буни ёш пайтимизданоқ ўйлаганимиз яхши. Халқимизнинг «қуш уясида кўрганини қиласи», деган мақоли бежиз эмас.

**Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчilar
уюшмаси аъзоси**



Асл исми шарифи Жон Гриффит бўлган Америка адаби Жек Лондоннинг (1876–1916) ҳаёти ҳам қаҳрамонларининг ҳаётига ўхшаб кетади. Калифорниялик камбағал фермер оиласида туғилган Жек машаққатларда тобланди. Кўчада газеталар сотганида ўн ёшли болакай эди. Фабрикада ишчи, матрос, электростанцияда ўт ёқувчилик қилган. 20 ёшида ижод билан астойдил шуғулланишга киришади.

1899 йили Америка журналларида Шимол ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялари чиқа бошлайди. «Шимол ҳикоялари» тўплами ёзувчига оламшумул шуҳрат олиб келди.

Америка ёзувчиси... йўқ, у аллақачон дунё ёзувчисига айланган. Ҳеч кимни кига ўхшамас бетакрор ижоди билан китобсеварлар қалбини забт этди. Унинг асарлари асосида қизиқарли фильмлар ишланган. Жек Лондон ижодининг мухлиси сифатида менга асарларидағи озод руҳ жуда-жуда ёқади, ақлимни ўғирлайди, узок ўйларга толдиради.

Имкон бўлганида эди, ҳар бир ҳикояси, роман ва қиссалари ҳақида тўхталар эдик. Адид қаҳрамонларининг ўхшаши йўқ. Асарларининг катта қисми ўзбек адабий тилига чевирилган. Яна шуни мамнуният билан айта оламизки, бугунги ёшлар Жек Лондон асарларини аслиятда ҳам ўқий оладилар! Уларнинг биз катталардан устунлиги ҳам шундадир.

Шүпшадаадир.
Ёзувчи шимол табиатини, одамларни уста рассом каби сўзларда чизган. Қайси ҳикоя ҳақида гапиришни билмаяпман, рости. Бири биридан қизиқарли. Бир неча йил аввал Кнут Хамсуннинг «Очлик» романини ўқий бошлаган эдим. Охиригача ўқишга бардошим етмаган...

Жек Лондон асарларида ҳам очлик бор... шунчаки очлик эмас «изфирииннинг дўзахий азблари» ҳамроҳлигидаги очлик!

«Интиҳо» ҳикоясидан **ўқиймиз**: «Изгирииннинг дўзахий азобларига дош бериб, ўн кун сабот-ла йўлдан кўзини узмади. Бирок барчаси зое кетди. Фақатгина бир хинду ўтиб кетди, холос. Энди эса, кечаси, пойлаш зарур бўлмаган паллада одамлар,

«Қаердаки китоб бор экан, одам ўзи билан ўзи узлатда, ўз күлами доирасида қолиб кетмайди, ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади».

тортган азоблари ўлим деб атальшиш неъматни бошлаб келди. Ҳаёт ўлимга тухмат қилди. Қандай бедодлик!»

Үлим ҳеч нарса эмас
экан. Наҳотки шундай
бўлса?! Ахир ҳаммамиизда
ҳам үлим олди, үлим ҳақи-
да кўркувларимиз бор-ку?!
Балки, бу саволларга «Ин-
тиҳо»дан жавоб топарсиз.

Энг гүзал асарлар севги мұхабbat ҳақидаги асарлардир. Инсон ҳар қандай ёшда севги қиссалари битилған китобларни ўқигиси келади, менимча. Жеке Лондон асарларида ана шу гүзаллик ҳам бисёр.

«Тун фарзанди»ни ўқишдан аввал бирорта ҳинду қаҳрамон бўлса керак, деб тахмин қилган эдим. Аксин-

ча. Олтин изловчи эркаклар даврасида айтилган гүзәл, мардона севги җикояси... «Хаммаси ўша кизни деб...»

Үқиймиз: «- Аммо мен
ёш эдим... қачонлардир. Ҳа,
үн икки йил аввал соchlарим
сийрак эмас, қуюқ, ўзим эса
бақувват, келишган, хипча
эдим. Энг узун кун ҳам мен
учун ғоят қисқа туюларди...

Энди эса ахволимга қаранглар, - деди аламнок Трифден. - Олтин васвасаси мени не күйларга солди. Чүнтагимда неча миллионлар борлиги ёлгиз яратганга аён, қалбим эса бўм-бўш томирларимда бир томчида қайноқ қон оқмайди. Энди мен нақ медузаман - бир тогора совуқ илвираган хамир... Э-воҳ!

Хамир... Э бол.
У вақтлар аёллар мендан
күз узишмасди. Ҳозиргача
оила курмаганим фалати
күринади... Ҳаммаси ўша
қизни деб... Мен уни оқ
танлилар истиқомат қила-
диган жами масканлардан
минг мил – балки унданда
узокроқдир – олисларда
урчатдим».

Донолар ҳар бир инсон бир китоб, дейишилади. Китоб севги бўлмаса, дунёга келармиди?! Агар ҳар бир инсон бир китоб экан, табиийки, унинг исёнлари, иқрорлари, хуолосалари ҳам бор.

Томирида қайноқ қонлар оқмай қўйган, бойлик ортидан қувиб унга етган, ёши ўтиб қолган бир вақтда нимани бой берганини англаб қолган бир эркак ҳикояси... Сизнинг ҳам шундай ҳикоянгиз борми? Ёзилмаган, кўнглингизни туб-тубига кўмиб қўйганингиз бир ҳикоя? Йўқми? Мумкин эмас! Назаримда ҳар бир инсонда бор, бу каби ҳикоялар. Фақат кимдадир баҳтли якун топган, кимдир асролмаган, яна кимдир борлиги ни сезмаган ҳам...

ни сезматан ҳам...
Ким эди, «ўша қиз»?
Ўқиймиз: «Мен олам-
нинг гўзаллигини пайқамас-
дим, – сўз бошлади Люси.
– Бунга вақтим йўқ эди.

Билардим, у ёнимда, кулбамиз атрофида, аммо нон пиширишим, супуриб-сиришим, ҳар хил юмушларни бажаришим керак эди. Гоҳида ўлгудек эркинликни истардим, айниқса, баҳорда, күшлар навоси аклдан оздираёзганда. Яйловларда оёқларим шабнамдан ивимагунча юргум, ўрмонга кириб, узоқ-узоқларга кетгим, довонга чиқиб, у ердан олисларга тикилгим келарди. Дараларда, кўллар бўйида сангишни, қундузлар, олачипор гулмоҳилар билан дўстлашишни, олмахонлар, товушқонлар, турли жони-ворлар орқасидан писиб бориб, уларни кузатишни, сир-асрорларидан воқиф бўлишни хоҳларлим».

Бу түйгулар сизга ҳам танишми? Бошдан кечир-ғанмисиз? Назаримда бу түйгулар ҳеч кимга бегона әмас, шунчаки, табиати-мизга кўра, бирорда жуда кучли, бирорларда ожизроқ ҳолда намоён бўлади. Баъзи инсонлар ўз-ўзларидан қониқмайдилар. Қилаётган ишлари, кундалик юмушлари, ҳаёт тарзларидан кўнгиллари тўлмайди. Эътибор берган бўлсангиз, ҳамма табиат кўйнига ошиқади. Қачонлардир инсон билан уйғунликда бўлган табиат соғинчи бизни шу тариқа чорласа керак.

Чорлласа керак.
Ёш бир аёл қандай қи-
либ «қозон-товоғу фабрика
ва арzon-гаров ресторон-
лар»ни ташлаб идеал ҳаёт
орзуси ортидан кета олди?!

Үқиймиз: «Ҳаммаси шунчалар маънисиз эдики!
- дерди Люси. - Кимга керак бунақа ҳаёт? Мен нима учун дунёга келдим? Наҳот яшашнинг маъниси ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш бўлса? Ётганингда ҳам чарчаган бўлсанг, уйғонганингда ҳам чарчоқни ҳис қилсанг, кунлар икки томчи сувдек ўхшаса, бундан нима наф?»

«Ўша қиз» Люсининг
ҳаётида китоблар ҳам бор
эди. Айнан китоблар ор-
зуларини озиқлантириди.
Донишманд адид Торонинг
китобидан парча келти-
рилган газетанинг йиртиқ
парчаси эса унинг ҳаётида
кеескин бурилиш учун етар-
ди бўлди.

Ха, азиз ўқувчи, шундай китоблар мавжуд, дунёнгизни остин-устун қилиб юборадиган, қарашларингизни ўзгартирадиган китоблар бор. Каминангиз ҳаётida ҳам ўчмас из қолдирган, ўзига танқидий қарашга мажбур қилган асарлар бўлгани анча илгари тарғибот саҳифамизда келтириб ўтилган эди.

Жек Лондон асарларини
үқинг, уларда инсон қадами
етмаган шимол ўрмонлари,
дарёлари таровати бор,
ёввойи гўзаллик бор!

Хүзүрли мутолаалар ти-
лаги билан,

**Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»**

Жамоат транспортлари орасида
энг қулайи, шубҳасиз – метро!
Ёзниг саратонида салқин, қишининг
қаҳратонида иссиқ. Асосийси,
манзилга ўз вақтида етиб олиш
учун арzon ва қулай транспорт
воситаси. Агар бир неча йил илгари
метро ҳақида ёзганимда, шунча
қулайликлари орасига автобусдан
фарқли ўлароқ, тирбандлик
йўқ, деган жумлани ҳам қўшган
бўлардим. Тирбандлик бўлгандан
кейин бир нуқтага кўзингни тиккан
кўйи ўқилган ёзувни минг бора
ўқисанг ҳам худди янги бирор
нарса чиқиб қоладигандек, яна
тиклиавераркансан.

ҚЎШТИРНОҚА ОЛИНГАН СЎЗЛАР

Янги олиб келинган метро вагонлари имкониятлари орасида катта ва кичик мониторлар тирбандликдан чалғиши учун яхши эрмак. У орқали юртимизнинг турли гўшалари маданиятидан лавҳалар берилиши билан бир қаторда, бекатлар кетма-кетлигини кузатиб бориш имкони яратилган. Бекатлар номи иккита тилда ёзилган. Эътиборимни ҳар сафар «Миллий боғ» ва унинг рус тилидаги (агар шундай дейиш жоиз бўлса) «Миллий бог» жумлаларининг ғализлиги чалғитаверади. Юртдошлиларимизнинг аксари рус тилида сўзлашибни (қисман бўлса-да) билади. Ҳеч бўлмаганда, тушунади. Келинг, «Миллий бог» сўзидағи «бог»ни таржима қилишга уриниб кўрамиз. Луғат китоблари ва интернет тармоғи орқали берилган сўровимизга кўра, «бог»нинг ўзбек тилидаги таржимаси «худо» экани келиб чиқди. Агар луғатлар бизни алдамаётган бўлса, метро бекатининг номи бутунлай ўзгариб кетаётганга ўхшамаяптими?! Агар пойтахтимиз метросидан фойдаланган хорижилклар ушбу номнинг таржима вариантини ўқигандан, нима деб тушунган экан?!

«Жой номлари таржима қилинмайди, қўштириноқа олинади» дейишга шошилманг. Узоққа бормаймиз ва кейинги бекат номини монитор орқали ўқиймиз. Навбатдаги бекат «Халқлар дўстлиги» деб ёзилган ва давомида «Следующая станция «Дружба народов» дейа таржима қилинган! Ёнма-ён бўлган бу

«АДИБЛАР ХИЁБОНИ»



икки бекатнинг таржимасидаги фарқни сездингизми? Мени ҳам шу ҳолат тажжублантириб келмоқда. Демак, боща тилга ўгирса бўлар экан-ку! Ёки умуман таржима қилмаслик керакка ўхшайди.

Таржима санъати жуда оғир бўлган йўналишлардан бири сифатида мутахассислар томонидан эътироф этилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик адиллар бу йўналишга яқин йўламаган бўлса, не ажаб? Талабалик йилларимизда бир курсдошимиз ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асарини инглиз тилига таржима қилишга чоғланган эди. Ўша асардаги «итдан тарқаган, қурбонликка ярамайди» деган жумланинг асл моҳиятини инглизларга тушунарли ибораларда ифодалаш учун 6 ойдан ортиқ изланишлар олиб борган. Ҳатто адилнинг ўзига ҳам мурожаат этган пайти сўзга жуда талабчан бўлган

ўткир Ҳошимов курсдошимдаги иштиёқни ўлдири маслик учун уни журнالга ишга олганди. Вақтлар ўтиб, таржима санъатининг тоши оғирлигини тушунган «таржимон» хорижий тилни билиш билан асар таржима қилиш ўтасидаги тафовутни англаган ҳолда бошлаган барча ишларидан воз кечган эди.

«МИЛЛИЙ БОҒ»ДАН «MAGIC CITY»ГА

Пойтахтда бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар қувонарли, албатта. Айниска, Тошкентда яшаб туриб, биз билмай қолаётган ўзгаришларни чекка қишлоқда яшаётган инсонларнинг билиши ахборот асрида яшаётганимиздан далолат. Вилоятларда яшаётган танишлар орқали қўнғироқ бўлиб, «Magic city»га қандай борса бўлади, деган саволга тўғрисини айтганда, жавоб беришга қийналиб

қолган пайтларим бўлган. Чунки ўзим ҳам бирор маротаба бориб кўрмаган эдим. Яқин-яқиндан бошлаб, «Magic city»нинг манзилига «Миллий боғ» метро бекатидан чиқиб бориш мумкинлигини билиб олдим. Ҳозирги кунда сўраб турган танишларга манзилни бемалол айта оляпман. Аммо яна ўйларим чалкашиб кетади – «Миллий боғ»дан «Magic city»га?!

10 ТА БЕКАТ – 10 НАФАР Даҳо

Бугунги кунда Тошкент метросининг 10 та бекати 10 нафар улуғ инсоннинг номи билан аталар экан. Ҳар бири инсоният тақдирига даҳлдор бўлган ўлмас асарлар ва ўчмас из қолдириб кетди. Уларнинг шарафига қўйилган бекатлардан ўтаркансиз, беихтиёр ўша инсоннинг номи айтилганда ҳаёти ва ижоди кўз олдингизда гавдаланади. Бундай эҳтиром орқали ўша адилнинг номи барҳаётлиги таъминланади. Қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига буюк аждодлар қолдириб кетган маънавий мерос сингдирилади.

ТАКЛИФ

Қилинган ва қилинаётган ишларни танқид қилиш осон. Аммо унинг муқобил вариантини беролмасангиз, бундай танқид ҳавода муаллақ қолиб кетаверади. Юқорида луғатларга мурожаат қилганимиз «Миллий бог»ни «Миллий боғ» бекатига тўғри ту-

КЕЙИНГИ БЕКАТ



шира олмаганим, балки ўзимнинг айбимдир. Бундан бир неча йиллар олдин айни ўша бекатнинг номи «Ёшлиқ» эди. Ундан илгарироқ ҳам бошқа ном билан аталганини улуғлар айтиб юришади. Модомики, бир неча маротаба ўзгаришларга юз тутган ушбу бекатни яна бир бора ўзгартириш керак, деган фикрдаман. Албатта, бу шахсий фикрим. Аммо айни мана шу бекатнинг чиқиш жойида муҳташам «Адиблар хиёбони» ташкил этилган. Унда йигирмадан ортиқ яқин ва узоқ ўтмишда яшаб ижод қилган аждодларимиз ҳайкаллари композиция тарзида бир гўшага жам бўлди. Асли уларнинг ҳар бири номини биттадан бекатга қўйишга лойик фидойилар. Келаҗакда шундай ҳам бўлар, аммо айни пайтда, улар бамисоли бир оила бўлиб жамланган жойни бемалол «Адиблар хиёбони» метро бекати деб аталса, мақсадга мувофиқ бўларди. Хиёбонда ҳайкали қад ростлаган адиларнинг сана билан боғлиқ кунларида учрашувлар, очиқ дарслар ва шеърият кечалари ўтказилмоқда.

Хоҳлардимки, яқин келажакда ўша таниш овоз орқали «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат «Адиблар хиёбони» деган сўзлар жаранглаб турса.



Hamyurtimiz Oksana Chusovitina Boku shahrida o'tgan sport gimnastikasi bo'yicha Jahon kubogining uchinchi bosqich bahslari yakunida ham shohsupaga ko'tarildi – musobaqaning tayanib sakrash dasturida kumush medalni qo'lga kiritdi. 47 yoshida ham sportchimizning jahon gimnastikasida olamshumul natija qayd etayotgani Yevropa ommaviy axborot vositalarida mutaxassislar tomonidan jasorat timsoli sifatida bot-bot e'tirof etildi.

O'ZBEK VA JAHON GIMNASTIKASI AFSONASI

Sport gimnastikasi bo'yicha O'zbekiston terma jamoasi a'zosi Oksana Chusovitina Jahon kubogining birinchi va ikkinchi bosqich bahslarida ham sovrindorlar safidan joy olgandi. Ayniqsa, mart oyining boshida Doxa shahrida o'tgan Jahon kubogining ikkinchi bosqich tayanib sakrash dasturida hamyurtimiz 12.916 ball to'plab, ketma-ket ikkinchi bosqichda bronza medalga sazovor bo'lgach, ushbu voqelik yevropalik jurnalistlar e'tiborini tortdi. Chunki oltin va kumush medal sohiblari – fransiyalik Kolin Deval (13.800) hamda daniyalik Kamile Resmussen (13.333) to'plagan ballar Oksananikidan katta farq qilmasdi. Shu bois jurnalistlar Chusovitinaning qanday qilib 47 yoshida ham sport gimnastikasida olamshumul natija qayd etayotganini mutaxassislar bilan birga jiddiy talqin qilishga kirishishdi va buni o'ziga xos jasorat timsoli sifatida baholashdi.

Oradan ko'p fursat o'tmay, Chusovitina Boku shahrida bo'lib o'tgan Jahon kubogining uchinchi bosqichida ham katta mahorat namoyish etib, dunyo sport muxlislarini yanada hayratga soldi. 47 yoshli Chusovitina 48 davlatning 170 dan ziyod sportchisi qatnashgan musobaqaning tayanib sakrash dasturida kumush medalni qo'lga kiritdi. Ikki urinish natijasiga ko'ra, Oksananing chiqishi hakamlar tomonidan 13.433 ball bilan baholandi. U faqatgina Fransiyalik Kolin Devaldan kamroq (13.683) ball to'pladi. Shu tariqa, hamyurtimiz qatorasiga uchinchi bor Jahon kubogida shohsupaga ko'tarildi.

O'z o'rnda yana shuni alohida ta'kidlash joiz, Oksana Chusovitina Jahon Kubogida g'oliblikka erishgan eng yoshi katta gimnastikachi sifatida (2021-yil, Doxa) dunyo sport tarixidan joy olgan.

O'zbek va jahon gimnastikasi afsonasi
Oksana CHUSOVITINA. 1975-yil 19-iyunda Buxoroda tug'ilgan. 8 yoshidan Svetlana Kuznetsova murabbiyligida sport gimnastikasi bilan shug'ullanib boshlagan. 1989-yildan buyon professional sportchi maqomida xalqaro musobaqlarda qatnashib keladi va 200 ga yaqin medalni qo'lga kiritgan. Faoliyati 30 yildan oshgan bo'lishiga qaramay, hali ham o'zidan uch baravar yosh sportchilar bilan bemalol raqobatlashib kelmoqda.

Eng katta yutuqlari:
 Olimpiada o'yinlari g'olib ("Barcelona – 1992") va kumush medal sovrindori ("Pekin – 2008");

3 karra jahon championi,
 4 marta kumush va 4 marta bronza medal sohibi;

2 marta Osiyo o'yinlarida g'olib chiqib, 6 marta sovrindorlar qatoridan joy olgan;



Yevropa championi hamda 3 karra kumush medal sovrindori.

Chusovitina ning afsonaviyligi:

sport gimnastikasi tarixida birinchi bo'lib beshta element yulduzimiz tomonidan amalga oshirilgan va endilikda uning nomi bilan ataladi;

ayni kunda faoliyatini davom ettirayotganlar orasida Xalqaro sport gimnastikasi zaliga nomi kiritilgan dunyodagi yagona gimnastikachi;

xalqaro gimnastika federatsiyasining 2022-yil 10-maydagi rasmiy xabariga ko'ra, Oksana

Chusovitina 2024-yil Parijda bo'lib o'tadigan yozgi Olimpiada o'yinlarida ishtirok etishini ma'lum qildi. Agar Chusovitina ushbu maqsadini amalga oshirsa, Olimpiada o'yinlarida qatnashgan "eng yoshi katta gimnastikachi" sifatida yana bir marta Ginnesning rekordlar kitobidan joy oladi.

Kanalalik Ian Millar Olimpiada o'yinlari tarixida eng ko'p – 10 marta qatnashgan dunyodagi yagona sportchi. Xubert Raudashl (Avstriya), Afanasiy Kuzmin (SSSR-Latviya) va Nino Salukvadze (SSSR-MD-H-Gruziya) hisobida bunday natija 9 tadan. 2024-yil ularning safi yana bittaga ko'payadi. U o'zbekistonlik Oksana Chusovitina bo'ladi.



SHOHSUPA


(xabarlar)



DZYUDO

Jahon va "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari reytingi uchun yirik ochkolar o'ynaladigan "Katta dubulg'a" turkumiga kiruvchi navbatdagi xalqaro turnir 24–26-mart kunlari Gruziyaning Tbilisi shahrida bo'lib o'tadi. Unda Mudofaa vazirligi Olyi sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham qatnashadi. Misning Iskandariya shahrida esa paradzyudo bo'yicha 30 dan ortiq davlat vakillari ishtirokida Gran-pri turniri o'tkazildi. Shiddatli bahslar yakunida O'zbekiston terma jamoasi 2 ta oltin, 2 ta kumush va 2 ta bronza, jami 6 ta medalni qo'lga kiritib, umumjamoa hisobida 4-o'rinni egalladi.

PROFESSIONAL BOKS



Hamyurtimiz Otabek Xolmatov yaqinda professional boksning WBA yo'nalishida britaniyalik Tomas Patrik-Uordga qarshi jang o'tkazib, g'alaba qozongandi. U professional boksning WBA yo'nalishi yarim yengil vaznida championlikka da'vogar sifatida rasman tan olindi. Bu haqda Butunjahon boks assotsiatsiyasi (WBA) xabar berdi. Professional boksdan 11 ta jang o'tkazib, barchasida g'alabaga erishgan sirdaryolik Otabek Xolmatov ayni paytda WBA yo'nalishida championlikka da'vogar sifatida e'tirof etilgan bo'lsa, IBF reytingida kuchli yettilikda qayd etilgan.

VOLEYBOL



Tailanddagagi Osiyo voleybol konfederatsiyasi shtab kvartirasida turli yosh toifalari o'rtaasida 2023-yil mobaynida o'tkaziladigan qit'a championatlari manzillarini aniqlash va jamoalarni guruhlardagi joylashuvini belgilash yuzasidan qur'a tashlash marosimi o'tkazildi. Unga ko'ra, 16 yoshgacha bo'lgan o'g'il bolalar o'rtasidagi 1-Osiyo championati joriy yil 20–30-iyul kunlari yurtimizda bo'lib o'tishi va sportchilarimiz "A" guruhida Qozog'iston va Gonkong jamoalariga qarshi babs olib borishi oydinlashdi. Mazkur championatda qit'aning 15 davlat terma jamoalar 4 guruha taqsimlangan holda championlik uchun kurash olib boradi.

OT SPORTI



"Allyur" majmuasi ot yo'rttirish bo'yicha Toshkent shahar ochiq championatiga mezonlik qildi. Unda Belarusdan tashrif buyurgan sportchilar ham qatnashdi. Qiziqarli bahslar yakunida Narine Tolipova ("Yellow Sensey", "Iaqabli otta"), Yevelina Kondrina ("Salvador"), Inna Tokmakova ("Galateya"), Anastasiya Kresik (Belarus, "Sif Xeylfild"), Alina Shevsova ("Rebekka"), Irina Menshikova ("Alon"), Inna Tokmakova ("Maksimus") kabi sportchilar o'z yo'nalishlarida g'oliblikka erishdi.

ARALASH JANG SAN'ATI



Joriy yil 17–26-noyabr kunlari Tailandning Bangkok va Chonburi shaharlariда o'tadigan yopiq inshootlardagi Osiyo o'yinlari (AIMAG) dasturiga aralash jang san'ati (MMA) sport turi ham kiritildi. Bu ma'lumot Osiyo Olimpiya kengashi (OSA) tomonidan o'yinlarni tashkil etish qo'mitasi yig'ilishida tasdiqlandi.

КҮКЛАМ ХИКОЯЛАРИ

ОТА ҚАБРИ

Жаҳона енгил автомобилида болалари билан тонг саҳар қишлоғи томон йўлга отланди. Эртага Наврӯз, онажониси йўлига кўз тутиб тургани аниқ. Неча бор кўча дарвозасига чиқиб келган бўлса, ажабмас.

Bолидаси, жигарлари учун машина орқасини тўлдириб совға-салом, ширинликлар олди. Байрамлар баҳона онасини кўргани бормаса, бошқа пайт иш, оила ташвишларидан ортмайди. Бир томони масофа узоқ, қишлоғига етиб боргунча камида уч-тўрт соат йўл юради.

Машинада ота-она ҳақидаги дилни орзиктирадиган кўшиқ янграйди. Орқа ўринидикда ўтирган Диёрбен ва Шахина довондаги тог манзараларини ҳаяжон ичида бир-бирига кўрсатиб, томоша қилиш билан банд. Кўллари рулда-ю, кўзи йўлда бўлган Жаҳона кўшиқ эшитар экан, беихтиёр кўзига ёш тўлди. Эрта оламдан ўтган отаси Хисрав аканинг ҳаётга ташна нигоҳи кўз олдига келаверди. Тоғдек таянчани, тенгсиз меҳрибонини соғинганини ҳис қилди. Ҳар гал қишлоққа борганида онаси бағрида, яқинлари даврасида бўлади-ю, ортига қайтади. Қабристонга боришга, отаси мозорини зиёрат қилишга юраги бетламайди.

– Аяжон, йиғлаясизми?
– ҳушёр Шаҳина дам-бадам кўз ёшини артиб кетаётган онасидаги изтиробни дархол сезди. – Кўшиқ эшитиб, бобомни эсладингиз а?

– Тўғри, қизим, бобонг ёдимга тушди. Дадамни соғиндинг-да, қизим.

“Ўн бир ёшли қақажондан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди”, беихтиёри юзига ним табассум югурди Жаҳонанинг.

– Йигламанг, аяжон, мен ҳам бобомни яхши эслайман, соғинаман.

– Албатта, эслайсан-да, қизим, бобонг ўтганида етти ёш эдинг. Биринчи набирам деб қанчалар ардоқларди...

Жаҳона тушга яқин ота ҳовлисига етиб борди. Онаси Улкар опа, яқинлари унга пешвож чиқар экан, қайнаётган сумалак хиди димогига урилди.

– Сумалак солдиларингми? – қувончини яширмади у. – Қандай яхши!..

– Сен учун Наврӯзга яқин солдик-да, қизим, – дилбандининг юз-кўзига термилиб тўймасди она.

– Аввал, сумалак бошига бориб, ният билан қозон ковла, кейин дастурхонга ўтирамиз.

Жаҳона қозон бошидаги қиз-жувонларга яқинлашди. Қариндош-урғ, қўни-кўшни... барчалари байрамона хуш кайфият ила у билан салом-алик қилишга ошиқиши. Шунда кўшни жувонлардан бири тараффудга тушди.

– Ярим соатга рухсат берасизлар. Отамнинг қабрига бораман-у, янги эккан гулларимга сув куйиб қайтаман. Қабристон қоровулига тайнинлаб кўйганман, аммо кекса одам қайси бир мозорга қарайди. Ўзимнинг борганим яхши-да.

– Отангиз қабрига гул экканмисиз? – ҳушёр тортди Жаҳона.

– Ҳа, кўп йиллик гуллар ҳам экканмиз, атиргуллар барг ёзиб ётиби. Лекин баҳорда ҳар йили отам учун янги гуллар экаман...

Жаҳона аёллар даврасида ҳам, яқинлари қуршовида ҳам очилиб ўтирамди, ўзини отасини унутган бемехр фарзанддек хис қилаверди.

– Қизим, нимадандир безовтасан, тинчликми?

– Термилди Улкар опа.

– Дадамнинг қабрига қачон борганимни эслай олмайман. Укам, сингилларим бориб турибдими, гуллар экилганми?

– Дастилаб эккандик...

Ҳеч кўкартириб бўлмади-да. Биласан-ку, қабристон ичи қип-қизил даشت, дов-дараҳт йўқ, иссиққа чидамли ўсимлик кўкармаса агар...

– Бу менинг хатойим, ая, тўнғич фарзанд сифатида бу ишни қилишим керак эди. Кейин укаларим қараб турарди. Кеч тушмай, дадамнинг қабрига ўтиб келайлик.

Жаҳона онаси ва укаси билан отасининг мозорига борди. Хисрав аканинг қабри гўёки мунғайб турарди. Жаҳона ишга киришиб кетди, дараҳт ва гуллар экиш учун укаси билан отасининг қабри пойига жой тайёрлади.

– Тонг саҳар шаҳарга тушиб, дараҳт ва гуллар олиб келамиз...

Бу йилги Наврӯз Жаҳона учун ўзгача келди. У нафақат онасидан тез-тез хабар олиши, балки отасининг қабрини ҳам зиёрат қилиши кераклигини англаб етганди. Эрта тонг дамланган сумалак тушга яқин очилди. Ҳар доимигдек ҳамма сумалак юзасида қандай шакл ҳосил бўлганига қизиқарди.

– Қизим, сумалак устини сен оч! – бу ишни Жаҳонага буюрди Улкар опа.

Сумалак устин очилганида нур таратаётган қуёш, дараҳтлар ва гуллар шакли шундок қўриниб турарди. Атрофдагилар ҳайрат билан фикр билдира кетди:

– Во-ой, буни қаранглар, қуёш, гуллар, дараҳтлар...

– Бу тўкинлик акси...

Жаҳонанинг назаридаги эса бу Хисрав aka қабри пойига экилган гул ва дараҳтлар қиёфаси эди тўғё...

НАВРЎЗГА ИНТИҚ МОМО

Хонани оғир сукунат эгаллаган. Кекса беморнинг инқиллаган товуши қулоққа чалинади. Ташқарида эсаётган қор аралаш изғирин шамол айвон ичига урилади.



Mанзура кампир олдида бедор

ўтирган келини Рухсатой опа

ора-орада қайнонасидан ҳол

сўраб қўяди:

– Ая, яхшимисиз, берган

дориларим кор қилдими,

огриқлар сал пасайдими?

– ...

– Шодияхон сиз

яхши кўрган сутли атала

пиширятли, ҳозир олиб

келади.

– Ташқари совуқми?

– инқиллашдан тўхтаб,

тилга кирди кекса бемор.

– Шамол... шамол товуши

келяпти.

– Ҳа, аяжон, ҳаво совуқ.

Қор аралаш шамол бўляпти.

– Ўтирибсизларми? –

ташқаридан қўлида коса

билин қунишиб кириб келди

момонинг қизи Шодияхон

опа. – Мана, атала тайёр,

онам иссиғида ичиб олса,

дармон бўляпти.

– Үнда, орқаларига

ёстиқ қўйиб ўтириғизамиз, –

тараффудга тушди Рухсатой

опа. – Аяжон, келинг...

– Ичмайман... овқатни

кўрсам, кўнглим овияпти.

– Эрталабдан буён туз

тоттанинг йўқ, пешин

бўлди, – онасига ялинди

Шодияхон опа. – Бунақада...

– Ҳа, бунақада ўлиб

қоласиз демоқчимисан?

– Нега үндай дейсиз,

аяжон, ҳали узоқ яшайсиз.

– Ӯшанчун иккалант

кечадан бери шивир-шивир

қилиб, сандик очи, латта

титаётган экансан-да?

Икки аёл бир-бирига

сири қараб қўйди.

– Биз шунчаки...

– Айтуб қўйяй, қишида

ўлмайман. Баҳорга чиқиб,

Наврӯзни кўриб, кейин

омонатимни топширам...

Қишининг илк ойи ортда

қолиб, январь бошланди.

Қаҳратон ҳаҳ ортда колиб,

кўклини гулларга буркаб Наврӯз

кириб келди. Манзура

момо ўзи ният қилганидек,

фарзандлари даврасида,

Наврӯз айёми дастурхонида

дуога кўл очди...

Омонатини топширишга шай турган момодан бири қўйиб, бири розилик сўраш билан овора. Ўртанча қизи Махфират опа ёнгинасида кўлини силаб ўтирибди. Шунда Манзура кампир кутилмаганда кўзларини катта-катта очди-ю, болаларига термилган кўйи нурсиз кўзларини аста юмди. Фарзандлари бир муддат оналарининг яна кўзини очишини кутди.

– Аям тугади, аям адo бўлди, – йиғлаб юборди Махфират опа.

– Ундей деманг, Махфиратхон, аям Наврӯзни кўрмасдан ўлмайман, деган.

– Юраклари урмаяпти, келинои, оёқ-кўллари музляяпти.

– Вой, аяжоним, меҳрибоним... – уввос солишга ўтди қизу набиралар.

Манзура момо чинданда омонатини топширганди. Юзидан бир зумда қон қочган майитнинг яқинлари иягини боғлаб, маҳсус жой тайёрлаб ётқизиши.

Жарчилар қишлоқ аҳлини хабардор қилишга шошилди. Гўрковлар ўз ишини бошлаб юборди. Ўзоқдаги қариндошурӯф, куда-андаларга хабар кетди. Қўни-кўшнилар уюшиб, ҳовли ва қўча-кўйларни тартибида келтириши бошлади.

Кимдир жанозанинг кам-кўсти учун бозорга чопди, кимдир фассолларни олиб келишига...

Жаммани ҳайратда қолдирган Манзура момо ҳаётга қайтди. Таъзия маросими шукроналлик дастурхонига уланди...

Қаҳратон ҳаҳ ортда колиб, кўклини гулларга буркаб Наврӯз кириб келди. Манзура момо ўзи ният қилганидек, фарзандлари даврасида, Наврӯз айёми дастурхонида дуога кўл очди...

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ

1. Специалистами турецкой оборонной компании FNSS создан модернизированный бронетранспортер «Парс-4», предназначенный для войск специального назначения. Новые машины, имеющие колесную формулу 6x6, оснащены усиленной противоминной защитой, современными системами вооружения и связи, а также системами дистанционного управления оружием. Кроме того, для защиты от самодельных взрывных устройств с дистанционным управлением на борту установлен комплекс радиоэлектронного подавления радиосигналов. Новые БТРы впервые оснащены отечественными двигателями мощностью 450 лошадиных сил, выпускаемыми турецкой компанией «Тюмосан» (максимальная скорость движения по шоссе 100 км/ч). Особенностью новой машины является то, что на ней смонтировано два дистанционно управляемых модуля вооружения (на первом, в передней части корпуса установлен 12,7-мм пулемёт).

2. Израильский дистанционно управляемый катер (ДУК) «Сигал» разработан специалистами компании «Элбит системз». Длина катера составляет 12 метров, скорость хода до 32 узлов. Аппарат может нести до 2,5 тонн полезной нагрузки (ПН), а его автономность плавания достигает 4 суток. Дальность действия радиолинии управления до 100 км при условии прямой видимости, при этом один оператор может одновременно управлять двумя катерами. Модульная система ПН позволяет применять данный катер для ведения противолодочной и противоминной борьбы, а также для решения задач разведки, наблюдения, радиоэлектронной борьбы, гидрофразии, патрулирования военно-морских баз, портов и т.д. вооружение – 12,7-мм дистанционно управляемый пулемёт.

3. Первый самостоятельно построенный Индией легкий авианосец «Викрант» введен в состав национальных Военно-морских сил. По информации индийских СМИ, авианосец длиной 262 метра и шириной около 62 метров, имеет водоизмещение 40 000 тонн и сможет нести до 30 летательных аппаратов, в том числе 20 истребителей и 10 вертолетов. Это самый большой корабль, который когда-либо строился в Индии. Ожидается, что в ближайшие месяцы он выйдет в море на ходовые испытания. Корабль получил такое название в честь первого авианосца Индии «Викрант», который строился в Великобритании для Королев-

ских ВМС под названием «Геркулес», а затем был продан Индии. В 1990-годы этот корабль окончательно устарел и в 1997 году был выведен из состава военного флота.

* * *


4. По сообщениям турецких средств массовой информации, оборонная промышленность страны разработала и приступила к производству противокорабельной ракеты «Атмака» с дальностью стрельбы до 250 километров, которая должна заменить американские ракеты «Гарпун». Новая противокорабельная ракета может облетать горные рельефы, ориентироваться на поверхности воды на высоте 5 метров и наносить удары на глубине 3 метров.

* * *

5. В США продолжаются испытания новой высокоточной ракетной системы PrSM (*Precision Strike Missile*), предназначенный для замены оперативно-тактических ракетных комплексов «Атакмс». Новые управляемые ракеты планируется применять на стандартных мобильных пусковых установках серий M270 и M142. По заявлению разработчиков, дальность стрельбы PrSM составит от 60 до 499 км. Специалисты обещают в недалеком будущем нарастить этот показатель до 700-800 км. Кроме того, новая ракета имеет свои преимущества перед другими аналогами, в частности она совместима с пусковыми установками состоящих на вооружении реактивных систем залпового огня, из-за чего нет необходимости создавать новые боевые машины. В дальнейшем PrSM планируется оснастить радиолокационной головкой самонаведения для стрельбы по движущимся наземным и надводным целям.

* * *

6. Военно-морские силы Японии получили на вооружение новый фрегат типа 30FFM «Кумано». Ожидается, что в общей сложности планируется построить 22 таких корабля. Полное водоизмещение современного фрегата около 5 500 тонн, длина 132, метра, ширина 16,3 метра, скорость свыше 30 узлов экипаж 90 человек. Вооружение: 127-мм артиллерийская установка Mk 45, установка вертикального типа Mk 41, противокорабельные ракеты с дальностью стрельбы до 400 км, 324-мм торпеды, мины и дистанционно управляемые боевые модули с 12,7-мм пулеметами. На борту может базироваться один многоцелевой вертолет, а также различные необитаемые подводные аппараты для противоминной борьбы.



FAROVONLIK OMILI

“O‘zbekiston” nashriyotmatbaa ijodiy uyida

“Yangilanayotgan Konstitutsiya – yurtimiz va xalqimizning farovon hayoti uchun mustahkam huquqiy asos bo‘ladi” mavzusida ma’naviyat soati o’tkazildi.

Tadbirda Toshkent davlat yuridik universiteti professori, yuridik fanlari doktori Feruza Muhitdinova ishtirok etib, mavzu yuzasidan ma’ruza qildi hamda ishtirokchilarning savollariga javob berdi.

Ma’ruzachi o‘z so‘zida yangilanayotgan Konstitutsiya yurtimiz taraqqiyoti, xalqimiz farovonligi rivojiga xizmat qilishi, eng avvalo, “Inson qadri uchun g‘oyasining ustuvor yo‘nalish sifatida belgilanishini qayd etdi.

Hujjatda “davlat – jamiyat – inson” tamoyilini “inson – jamiyat – davlat” deya o‘zgartirish taklif qilinmoqda. Bundan tashqari, “O‘zbekiston – ijtimoiy davlat” deya e’lon qilinmoqda. Ya’ni davlatning ijtimoiy majburiyatlarga oid normalari qariyb 3 barobar ortishi kutilmoqda. Konstitutsiyamizga kiritilayotgan o‘zgartish va qo’shimchalar, eng avvalo, inson qadrini ulug’lashga xizmat qilishi zarur. Ana shundagina xalqimizni

farovonlik, mamlakatimizni esa barqaror taraqqiyot sari yetaklaydi.

Ishtirokchilar O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy qonuni loyihasining mazmun-mohiyatini chucher o‘rganish va umumxalq referendumida faol ishtirok etish lozimligi haqida o‘z fikr-mulohazalarini bildirdilar.

Abdullahodja SULEYMANXODJAYEV

SAYYOR QABUL

IJTIMOIY HIMoya YO‘LIDA

Urganch harbiy prokuraturasi tomonidan Gurlan tumani bolalar musiqa maktabi binosida ommaviy sayyor qabul o’tkazildi.



Unda tumandagi tashkilot va idoralardan tegishli soha mutaxassislar jalb qilinib, harbiy xizmatchilar, Qurolli Kuchlar xizmatchilari, ularning oila a’zolari hamda harbiy pensionerlar va boshqa fuqarolar ishtirok etdi.

Qabulda ishga joylashish, imtiyozli uy-jogya ega bo‘lish, harbiy guvohnoma olish, kredit, tadbirkorlik faoliyatini yo‘Iga qo‘yish va boshqa masalalarda 41 ta murojaat tinglandi.

Oltita murojaat joyida qanoatlantirildi, 19 ta murojaat nazoratga olingan holda vakolatli tashkilotlarga yuborildi, 16 ta murojaatga esa atroficha tushuntirishlar berildi.

Adliya podpolkovnigi Sardor SOBIROV,
Urganch harbiy prokurorining yordamchisi

BELLASHUV

VATAN TAQDIRI MENING QO‘LIMDA

Namangan harbiy prokuraturasi tomonidan mutasaddi idoralar bilan hamkorlikda Namangan va G‘urumsaroy garnizonlarida joylashgan

Qurolli Kuchlar tarkibidagi harbiy qism va muassasalarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarning farzandlarining ta’limga bo‘lgan qiziqishlarini yanada rag’batlantirish maqsadida matematika, ingliz tili va insholar tanlovi o’tkazildi.



U ikki bosqichda o’tkazilib, dastlabki bosqichda harbiy xizmatchilarning 6-sinfdan 11-sinfgacha bo‘lgan 470 nafar farzandi ishtirok etib, final bosqichida “Yosh matematik” va “Ingliz tili bilimdoni” yo‘nalishlari bo‘yicha 100 nafar, “Vatan taqdiri mening qo‘limda” mavzusida insho yozish bo‘yicha 110 naferdan o‘quvchi qatnashdi.

Ko‘tarinkin ruhda o’tkazilgan tanlov natijalari viloyat xalq ta’limi boshqarmasi ekspertlari tomonidan xolisona baholanib, g‘oliblarga qimmatbaho sovg‘alar topshirildi.

Tadbir doirasida yoshlarda vatanparvarlik ruhini, harbiy xizmatga bo‘lgan ishtyoq va muhabbatini oshirish maqsadida ular bilan uchrashuv o’tkazilib, unda Namangan viloyati favqulodda vaziyatlar boshqarmasi boshlig‘i va Namangan harbiy prokurori ishtirok etib, o‘zlarining hayoti tajriba va ko‘nikmalari bilan o‘tqoqlashdilar.

Qurbondurdi POLVONNAZIROV,
Namangan harbiy prokurorining yordamchisi

PROKUROR KUBOGI

SOG‘LOM TURMUSH TARZI

Farg‘ona harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan Farg‘ona davlat universiteti harbiy ta’lim fakultetida tahlil olayotgan talabalar ishtirokida sportning mini futbol turi bo‘yicha “Prokurator kubogi” tashkil etildi.



Murosasiz o‘tgan musobaqa qadada 2-kurs talabalari g‘oliblikni qo‘lga kiritdi.

Taqdirlash marosimida ishtirok etgan Farg‘ona harbiy prokurori Sherzod Saidov “Eng yaxshi darvozabon”, “Eng yaxshi himoyachi”, “Eng yaxshi yarim himoyachi”, “Eng yaxshi to‘purar” nominatsiyalari sovrindorlarini tabriklab, faxriy yorliq va kubok topshirdi.

Adliya podpolkovnigi Oybek SHERMATOV,
Farg‘ona harbiy prokurorining o‘rinbosari

TANLOV

BILIMDON YOSHLAR ANIQLANDI

Termiz harbiy prokuraturasi tomonidan “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili”da yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va ta’limga bo‘lgan qiziqishlarini yanada rag’batlantirish maqsadida Kakaydi garnizonida joylashgan harbiy qismlarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilarning 6-sinfdan yuqori sinflarda tahsil olayotgan farzandlari o‘rtasida matematika va ingliz tili fanlaridan tanlov o’tkazildi.



Unda 1- va 5-umumta’lim maktablarining 45 naftar o‘quvchisi ishtirok etib, o‘z bilimlarini sinovdan o’tkazdi.

Tanlov ikki bosqichda o’tkazilib, ishtirok etgan o‘quvchi-yoshlar orasidan “Yosh matematik” va “Ingliz tili bilimdoni” yo‘nalishida 1, 2 va 3-o‘rinlar aniqlanib, g‘oliblarga qimmatbaho sovg‘alar taqdim etildi.

Shu bilan birga, yosh avlodni Vatan taqdiriga daxldorlik, ma’naviy-axloqiy, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni hamda qonunlarimizga nisbatan yuksak hurmat ruhida tarbiyalash maqsadida Vatan yo‘lida halok bo‘lgan harbiy xizmatchilarga o‘rnataligan “Xotira maydoni”da ularning qahramonligi haqida ma’lumotlar berilib, shu yerda “Vatan tayanchi” bolalar va o‘sirmlar harbiy-vatanparvarlik harakatining 60 nafar Jarqo‘rg‘on tumani a’zosiga ko‘krak nishoni va guvohnomalar tantanali ravishda topshirildi.

Harbiy qismida ochiq eshiklar kuni tashkil etilib, yoshlarga harbiy qismida yaratilgan sharoitlar va jangovar qurol-aslahalar ko‘rgazmasi namoyish etildi.

Adliya mayor G‘iyosiddin RAXMONOV,
Termiz harbiy prokurorining katta yordamchisi



O‘zbekiston Respublikasi
mudofaasiga ko‘maklashuvchi
“Vatanparvar” tashkilotining
Xorazm viloyati kengashi
tasarrufidagi Xiva tumani
o‘quv sport-texnika klubida
keyingi yillarda ommaviy
kasb xodimlarini tayyorlash,
sportning texnik va amaliy
turlarini rivojlantirish, yoshlar
ma’naviyatini yuksaltirish
borasida muayyan natijalarga
erishilmogda.

Xo'jalik hisobida faoliyat yuritayotgan tashkilotda ayni paytda "B", "BC", "BE", "CE", "D" toifali haydovchilar tayyorlash bilan bir qatorda gaz yonilg'isiga qayta jihozlangan avtomobilarni boshqaruvchi mutaxassislar ham shakkantirilmoxda. O'tgan yili 500 nafardan ziyod haydovchi mutaxassis tayyorlagan jamao a'zolari bu yil ham bu boradagi ishlarni izchil davom ettirishmoqda. Shu kungacha 150 nafar turli toifali haydovchi o'quv kurslarini muvaffaqiyatli bitirib chiqishgan bo'lsa, 10 nafar "Yoshlar

daftari"ga kiritilgan yosh imtiyoz asosida "BC" toifali haydovchilik kurslarida tahsil olmoqda.

O'quv sport-texnika klubida yoshlar va fuqarolarni mudofaa sohasidagi boshlang'ich bilimlarga o'qitishda va ularni harbiy xizmatga tayyorlashda davlat hokimiyatining organlariga ko'maklashishi maqsadida tuman hokimligi, mudofaa, xalq ta'limi bo'limganlari, Yoshlar ishlari agentligi va boshqa davlat hamda jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda tadbirlar rejasini ishlab chiqilib, amalga oshirib kelinmoqda. Xususan, turligining mavzularda ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlari tashkil etilmogda.

– Yoshlar bilan uchrashuvlar, davra suhbatlari, turli musobaqalar, ma’naviy-ma’riyiy va harbiy-vatanparvarlik tadbirlari shulan jumlasidandir, – deydi tumani o’quv sport-texnika klubi boshlig‘i Davronbek Yuldashev. – Ularning ko’lами O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “2023-yilgi Navro’z umumxalq bayramiga tayyorgarlik” ko’rish va uni o’tkazish to’g’risida”gi qarori ijrosi doirasida yanada ahamiyatli bo’lmoqda. Navro’z



umumxalq bayrami munosabati bilan tumandagi 42 ta o'rta umumta'lim maktabi o'quvchilari o'rtasida o'q otish va duation bo'yicha musobaqalar tashkil etildi. G'oliblar tashkilotimizning esdalik sovg'alarini va faxriy yorilqlari bilan taqdirlanildilar.

Tuman yoshlarining bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish maqsadida klub qoshida havol miltig'idan o'q otish, yozgi biatlon

*Fursatdan foydalanib,
“Vatanparvar” tashkiloti Xiva
tumani o‘quv sport-texnika
klubi jamoasi barchangizni
yasharish va yangilanish
fasli bo‘lmish bahor ayyomi
– Navro‘zi olam bilan
muborakbod etadi. Ilohim,
yurtimiz tinch, osmonimiz
doimo musaffo bo‘lsin!
Bayramingiz muborak,
aziz yurtdoshlar!*

va duatlon kabi seksiyalar faoliyati yo'lg'a qo'yilgan hamda 50 nafarga yaqin iqtidorli yosh jalb etilgan. Ular turli musobaqalarda sovrinli o'rinnlarni egallab kelmogdalar.

Sovnini o'tinlari egalab kelmoqda. Ta'kidlab o'tish o'rinniki, klubda tahsil oluvchilar uchun kerakli shart-sharoitlar yaratilgan. Ma'naviyat-ma'rifat xonasi, o'quv xonalari, avtodrom va boshqa o'quv inshootlari faoliyati izchil yo'lga qo'yilgan. Amalga oshirilayotgan tadbirlar ko'lамини yanada yaxshilash maqsadida hamkorlikda turli tashkilotlar bilan ma'naviyat va harbiy-vatanparvarlik targ'ibotlari faol olib berilmoecha.



O‘zbekiston Respublikasi
mudofaasiga ko‘maklashuvchi
“Vatanparvar” tashkilotining
Xorazm viloyati kengashi
tasarrufidagi Qo‘siko‘pir
tumanidagi “O‘rta yop” o‘quv
sport-texnika klubida yoshlarning
jismoniy va ma’naviy yetuk
bo‘lishlariga alohida e’tibor
qaratib kelinmoqda.

Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhidha tarbiyalashga, ularni sportning texnik va amaliy turlariga jalb etishga hamda faol fuqarolik pozitsiyasiga ega farzandlar sifatida voyaga yetkazishga yo'naltirilgan tadbirlar bu boradagi ishlar sirasidandir.

– Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda ularning intellektual jihatdan kamol topishi va ma'naviy rivojlanishini ta'minlash maqsadida bir qancha hamkor tashkilotlar bilan kelishilgan reja asosida ish olib bormoqdamiz, – deydi O'STK boshlig'i Rustam Atamuratov. – Ma'naviyat va harbiy-vatanparvarlik targ'iboti doirasida turli tadbirlar o'tkazilib borilishi ham an'anaga aylangan. Bunday tadbirlar Navro'z umumxalq bayrami

YOSHLAR KAMOLOTIGA E'TIBOR

munosabati bilan yanada uyg'unlik kasbi etmoqda. Bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkilotish, milliy xalq o'yinlari va sport turlarini ommalashtirish va boshqa madaniy-ma'rifiy tadbirlar shular jumlasidandir. Muhimmiyatli klub jamoasi tomonidan yoshlari orasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish hamda ularni klubda faoliyat ko'sratayotgan sponzorlari garaklariga jalb etish maqsadida ko'plab amaliy ishlari qilinmoqda.

O'quv sport-texnika klubida "B", "BC" "C" toifali haydovchilar tayyorlash jarayoni ham muvaffaqiyatli uddalanmoqda. Buning uchun muayyan shart-sharoitlar yaratilgan Yoshlarni mehnat bozorida ehtiyoj yuqor bo'lgan kasblarga o'qitish borasidagi ishlash ham e'tiborga molikdir. Buning uchun "Yoshlar daftari" ro'yxatida turadigan yoshlar va kam ta'minlangan oilalar farzandlariga bina qancha qulavliklar varatildi.

Xulosa o'rnda aytish mumkinki, "O'rta yop" o'quv sport-texnika klubida ham barcha ishlar "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi va viloyat kengashi tomonidan belgilangan vazifalardan kelib chiqqan holda amalga oshirilmoqda.



“Vatanparvar” tashkiloti Qo’shko‘pir tumani “O’rta yop” o‘quv sport-texnika klubi jamoasi yurtdoshlarimizni Navro‘z bayrami bilan samimiy tabriklaydi. Ushbu ayyom barchangizga bahoriy xush kayfiyat, baxt va omad olib kelsin! Ayvomingiz qutlug‘ bo‘lsin!

MARKAZDA NAVRO'Z AYYOMI

Mudofaa vazirligi sport markazida Navro'z ayyomiga bag'ishlangan tadbir bo'lib o'tdi. Unda harbiy xizmatchilar, sportchilar, "Vatan tayanchi" harakati a'zolari, yoshlar hamda markaz ishchi-xizmatchilari ishtirok etdi.



Dastlab sport markazi boshlig'i polkovnik Mansur Mamadaminov yig'ilganlarni Navro'z bayrami bilan tabriklar ekan, barchaga sog'lik-salomatlilik tilab, kelgusida bundan-da yuqori pog'onalarни zabit etgan holda, yurtimiz bayrog'ini jahon arenalarining eng yuqori cho'qqisiga ko'tarishlarida tilakdoshligini bildirdi.

Shundan so'ng azaliy an'analarga sodiq qolgan holda Navro'z bayrami arafasida o'tkaziladigan milliy sport turlari bo'yicha "Vatan tayanchi" harakati a'zolari bilan professional sportchilar o'rtaida do'stona musobaqalar tashkillashtirildi. Ayniqsa, arqon tortish musobaqasi barchaga birdek ko'tarinki kayfiyat ulashdi.

– Biz bir jamoa bo'lganimiz bilan turli sport turlari bo'yicha musobaqalarda ishtirok etamiz. Shuning uchun ham bir-birimizni doim ko'ravermaymiz, – deydi leytenant Dmitriy Shokin. – Navro'z bayrami sabab 19 ta sport turida mashq'ulotlar olib borayotgan hamkasblarimiz bilan diydorlashdik, suhbatlashdik hamda doshqozonda sumalak tayyorladik. Mehr va oqibat bayrami bo'lgan Navro'z bilan barchani tabriklayman. Biz, sportchilar oldida turgan katta maqsadlar bor, ularga barchamiz birligida erishishimizni tilab qolaman.

Sherzod SHARIPOV

NAFOSAT

SHODIYONA

Bahor – go'zallik, nafosat fasli. Uch ming yildan ziyod tarixga ega bo'lgan Navro'zi olam – sharqona yangi yil xalqimizning tabiat, ong-u tafakkuri, qalbiga chuqur singib ketgani, har qaysi oila, xonadonga shod-u xurramlik olib kirishi bilan eng qadrli, aziz va suykli milliy bayramdir. Respublikamiz bo'ylab Navro'z shukuhi kezib yurgan ayni kunlarda barcha manzillar shodiyonalarga to'lib-toshgan.



Markaziy harbiy klinik gospitalda ham Navro'zi olam munosabati bilan "Eng chiroqli bezatilgan bayram dasturxonasi" musobaqasi o'tkazildi. Unda klinikada faoliyat yuritayotgan harbiy hamda Qurolli Kuchlar ishchi xizmatchi ayollari pazandalik mahoratini ishga solgan holda bayram dasturxonini bezatishdi.

O'zbek bayrami bayramona dasturxonisiz o'tmaydi, deyishadi. Milliy taomlarimizdan sumalak, halim, ko'ksomsa, ko'kchuchvara, palovxonot'a kabi noz-ne'matlar bilan bezatilgan dasturxon ko'zni quvnatmay qolmadidi. Milliy ma'naviyatimiz rivojidagi muhim shodiyonalardan biri bo'lgan bu kunda yurtimizning har bi go'shasida bahoriy taomlar-u turli milliy o'yinlar tashkil etiladi. Xususan, klinikada nishonlangan bayram shodiyonasida ham taomlar borasida o'tkazilgan musobaqa bayram dasturxonining bezagiga aylandi. Tadbir yakunida musobaqada g'olib deb topilgan jamoa a'zolari qimmatbaho esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

MUSOBAQA QIZG'IN RUHDA O'TDI

Navro'z umumxalq bayrami munosabati bilan Nukus va Urganch garnizonlarida joylashgan harbiy qism harbiy xizmatchilari o'rtaida ko'rgazmali qo'l jangi musobaqasining okrug bosqichi bo'lib o'tdi.



Unda o'nga yaqin jamoa ishtirok etdi. Ularning o'z chiqishlari orqali jamoaviy jipslikni, kuch, shijoat va mahoratni ko'rgazmali tarzda namoyish eta olgani tahsinga sazovor. Akrobatik usullardagi ko'rgazmalar, pichqoq jangi va qurol bilan amalga oshirilgan murakkab elementlar, dadil harakatlar hech kimni bee'tibor qoldirmadi.

Bellashuv ikki yo'nalishda, ya'ni 20 kishidan iborat jamoa tarkibida va 2 nafardan iborat juftlik tarkibida olib borildi.

Jamoalarning mashqlarni sinxron tarzda, tez, aniq va to'xtovsiz bajarganiga qarab qo'yilgan ballar yuqorilab bordi.

Yakuniy natijalar bo'yicha Urganch garnizonidagi harbiy qism vakillari birinchi o'rinni, Nukus garnizonidagi harbiy qismning ikkita jamoasi ikkinchi va uchinchi o'rinnlarni qo'iga kiritdi. Faxrli o'rinnlarga sazovor bo'lgan jamoalar kubok, faxriy yorliq va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

**Podpolkovnik Timur NARZIYEV,
Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati boshlig'i**

EHTIROM

ULUG' DARG'A XOTIRASI

O'zbek she'riyatining buyuk darg'alaridan biri, millatimizning ardoqli va sevimli shoiri Abdulla Oripovning betakror ijodi, dilbar she'riyati ruhiyatimizga ajib iliqlik, musaffolik baxsh etadi, insoniylik va ezbilik tuyg'ularini singdiradi. Shoирning yurtga muhabbat, bahor tarovati, insoniy his-tuyg'ularni tarannum etgan ijodi har birimizni ma'naviy yuksalishga chorlaydi.



Yurtimizda Navro'z shukuhi kezib yurgan bir pallada ulug' shoirimiz Abdulla Oripovning tavalludiga bag'ishlangan turli tadbirlar bo'lib o'tmoqda. Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va harbiy havo kuchlari qo'mondonligida ham shoир tavalludining 82 yilligi munosabati bilan "Sen bahorni sog'inmadingmi?" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi. Unda O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Inobat Ibragimova tadbir mehmoni sifatida tashrif buyurib, adib haqidagi taassurotlari, ijodiy merosining o'zbek va jahon adabiyotida tutgan o'mni haqida fikrlarini bildirdi. So'ngra askarlar tomonidan badiy chiqishlar namoyish etilib, Abdulla Oripov siyoshi sahna ko'rinishlari orqali akslantirildi. Shundan so'ng qo'mondonlik shaxsiy tarkibi bilan umumxalq bayramiga bag'ishlangan "Har kuning Navro'z bo'lsin, jonajon O'zbekistonim!" shiori ostida sumalak sayli o'tkazildi.

Osh musobaqalari ham o'tkazilib, harbiy xizmatchilar oshpazlik san'atlari namoyish etdi. So'ngra azaliy an'analarga sodiq qolgan holda bayram arafasida o'tkaziladigan milliy sport turlari bo'yicha do'stona musobaqalar tashkillashtirildi.

**Sherzod EGAMBERDIYEV,
«Vatanparvar»**

Қуролли Кучлар академияси кўп йиллардан бўён таълим ва спорт йўналишида ўз услуг ва анъаналарини намоён қилаётган даргоҳ саналади. Бунга сўнгти йилларда академия курсантлари томонидан эришилаётган юқори натижалардан ҳам амин бўлиш мумкин.

Қуролли Кучлар академияси шахсий таркиби ўртасида Наврӯз умумхалк байрамига бағишлиган спорт мусобақаларининг ўтказилишида ҳам миллий қадриятларимизга бўлган содиклик ва хурмат яна бир бор намоён бўлди.

Мақсад доимигдек ҳарбий хизматчиликар ўртасида жисмоний тайёргарлик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб

АКАДЕМИЯДА СПОРТ БАЙРАМИ

қилиш, курсантларда тезкорлик, чақонлик, чидамлилик каби хислатларни тарбиялашдан иборат. Эрта тонгданок академия спорт базасида старт олган миллий кураш, тош кўтариш, армрестлинг, арқон тортиш, футбол, волейбол, баскетбол, сузиш ва кўплаб спорт баҳслари чинакамига байрамона тус олди. Майдонда ҳақиқий кучлилар сараланди. Энг асосийси, терма жамоалар ўзларининг нималарга қодир эканини синовдан ўтказди ва келгусидаги мақсадлар учун замин ҳозирлади.

Беллашув якунида ғолиб жамоалар ва ҳарбий спортчилар академия бошлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.



Катта лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ

Сурхондарё вилоятининг олис ҳудудларидан бири бўлган Сариосиё туманида жойлашган ҳарбий қисмда эрта тонгдан Наврӯз тадбирлари миллий анъаналаримизга мос равишда ҳалқ ўйинлари ва спорт мусобақалари билан бошланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳам ушбу тадбирда ўзларининг байрам дастурхонларини безаш ва ҳар бир вилоятнинг миллий таомларини пишириш орқали иштирок этди. Сариосиё туманидаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари томонидан ҳарбий хизматчиларга маданий дастурлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилди.

Баҳорий таомлар тайёрланиб, элга улашилди. Кексалар янги дехқончилик мавсуми баракали келишини тилаб дуо қилди. Туман маданият маркази хонандалари, бадий ва ҳалқ жамоалари, санъат намояндадарининг чиқишилари сайил иштирокчиларига завқ бағишлиди.

Шунингдек, Жанубий оператив қўмондонлиги ва Термиз ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигига ҳарбий хизматчилар фарзандлари ўртасида математика, инглиз тили фанларидан билимлар беллашви ва тасвирий санъат фанидан ижодий ишлар кўргазмаси ўтказилди. Унда Жарқўрон туманидаги 1- ва 5-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этди.

Дастлаб ўқувчи-ёшлар ҳарбий қисмда жамланиб, Вatan тинчлиги ва осоиишталиги йўлида ҳалок бўлган мард ўғлонлар хотирасини ёд этишиди. «Вatan таянчи» отрядининг 60 нафар аъзосига кўкрак нишонлари топширилди.

Тантаналардан сўнг тадбир иштирокчиларининг математика, инглиз тили фанлари бўйича беллашувига старт берилди. Ушбу мусобақани малякали ўқитувчилар ва ҳайъат аъзолари кузатиб,



баҳолаб бордилар. Якуний натижаларга кўра, «Ёш математик» йўналиши бўйича фахрли 1-ўринни 5-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Хожимурод Маматов эгаллади. «Инглиз тили билимдени» йўналиши бўйича ғолибликни 1-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Мухлисаҳон Муҳаммаджонова кўлга киритди.

«Тасвирий санъат» йўналишида Севинч Имонбердиева ва Аҳрор Болтаев (1-умумтаълим мактаби) 2- ва 3-ўринларни банд этган бўлса, 5-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Гавҳар Абдурасулова энг юқори балл билан фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

Танлов якунида катта сержант Элёр Жумамуродовнинг фарзанди, 1-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Элбек Хўжамқулов ўз ижодидан шеърлар ўқиб, барчага кўтаринки кайфият улашди. Ғолиб ва совриндорлар Жанубий оператив

қўмондонлиги ҳамда Термиз ҳарбий прокурорининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

III даражали сержант Акбар АХМЕДОВ
Термиз гарнizoni

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog’lanish uchun telegram bot



SHU SONNING ELEKTRON SHAKLI

